

Xabar

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

➔ "YOSHLAR VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI" TANLOVIGA


**МАРКАЗДА
ТАЛАБАЛАР
АМАЛИЁТИ**

Ахборот хуружи

Бунга қарши ёшларнинг фуқаролик позицияси етарлими?

XXI аср ахборот асри бўлиш билан бирга, инсон онги ва тафаккурини ўзга гоёлар билан забт этиш асри эканлиги ҳам аниқ бўлиб борапти. Маълумки, ахборот хуружининг асосий нишони, объекти ёшлар ҳисобланади. Уларнинг кўлами эса йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бориши мутахассислар томонидан кўп эътироф этилаётган.

Агар илгари ахборот хуружи асосан талаба ёшларга қаратилган бўлса, эндиликда мактаб ўқувчилари ҳам унинг домига тушиб қолмоқда. Бу, айниқса, шаҳар мактабларида яққол кўзга ташланади. Ахборот хуружини ташкил этувчи ва тарқатувчи асосий майдон — бу интернет тармоғи эканлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Табиийки, ёшлар катта авлодга нисбатан интернет тармоғининг энг кўп фойдаланувчи қатламидир. Замонавий жамиятда эса асосий тармоқ ҳисобланган ушбу воситадан воз кечиш ёки уни умуман инкор этиш мумкин эмас.



5-бет

Мустақиллик йилларида юртимизда ҳуқуқий-демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этишнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари аниқ белгилаб олинди. Бугунги ва эртанги ҳаётимизни белгилаб берадиган, барча эзгу орзу-интилишларимизни амалий ҳаёт жабҳасида рўёбга чиқарадиган ҳар томонлама етук кадрлар тайёрлаш масаласида қилинаётган ишларнинг миқёси ва салмоғи беқиёс. Бу ҳам ёшларга, уларни соғлом ва баркамол қилиб тарбиялашга бўлган эътиборнинг амалий бир кўринишидир.

Баркамол авлод йили муносабати билан Самарқанд вилоят АКМда бугунги кунга қалар 70 нафар коллеж, лицей ҳамда Самарқанд Давлат университети талабалари ўз амалиётларини ўтаб келишмоқда. Амалиётчиларга АКМда фаолият кўрсатётган барча бўлим ва секторлар фаолияти, китоб жамғармаси, интернет, "KaDaTa" дастурлари буйича услубий амалиётлар ўтилмоқда. Талабалар барча олган билимларини ўз амалиёт кундаликларига қайд этиб боришмоқда. Амалиёт сўнгида ҳар бир талаба тест савол-жавобларидан ўтиб яхши иштирок этганларга тавсифномалар берилиши кўзда тутилган.

Албатта, давлатимизнинг олий таълим соҳасига, етук кадрлар тайёрлаш масаласига бўлган эътиборининг ёрқин ифодаси бўлган бундай янгилликлар ёшларимизнинг янада чуқурроқ билим олиши, келгусида маънавияти юксак, ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб етишишга хизмат қилади.

*Маҳбуба КУЛОВА,
АКМ илмий услубият
бўлими мудири*

Сўнги янгиллик!

IBM компанияси совутиш тизими иссиқ сувга асосланган суперкомпьютер тақдимотини ўтказди. Aquasag деб ном олган бу тизим Цюрихдаги Швейцария технологиялар институтида ишга туширилди.

Aquasag ҳаво орқали совутишга асосланган турдош тизимларга нисбатан 40 фоиз кам энергия сарфлаши билан ажралиб туради. Яна бир афзаллиги, суперкомпьютердан ажралаётган иссиқлик институт биноларини иситишда ишлатилади, бу билан атмосферага заҳарли газлар чиқариш 85 фоизгача камаяди.

Ушбу сонда:

- Таътил соз ўтмоқда 3
- Ухламоқчимисиз – телефонни ўчиринг! 4
- Услуга видеотелефонии стала еще дешевле 6
- Югураётган одам ёхуд Электромагнит майдонларининг инсон саломатлигига таъсири хусусида 11
- Хат — энг оммавий алоқа воситаси 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

Алоқа оламида:

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

UzNet
Internet Service Provider

сифат рамзидир

Jumadan Jumagacha

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовга 6 июл куни Оқсаройда Индонезия Республикаси, Миср Араб Республикаси ва Франция Республикасининг мамлакатимиздаги Фавкуллда ва мухтор элчилари этиб тайинланган — Моҳаммад Асрухин, Муҳаммад Абдулқодир ал-Ҳашшоб, Франсуа Готе ишонч ёрликларини тоширди.

Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қирғизистон Республикаси жанубида содир этилган фожиали воқеалар оқибатида жабр чекканларга инсонпарварлик ёрдами кўрсатишда алоҳида хизмат қилган Анджон вилояти фаоллари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари билан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида”ги фармони эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2010 йилнинг биринчи ярмида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш яқуларига бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда ижро интизомини мустаҳкамлаш, бу борда раҳбарлар ва мутахасссларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан тегишли тошириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

Тошкентда Марказий Осиёда наркотиклар тарқалишининг олдини олиш бўйича Европа иттифоқи томонидан молиялаштирилган “КАДАП” дастурининг янги босқичи бошланди. Дастур наркотикларни истемол қилишни, наркотиклар билан боғлиқ зарарни (масалан, ОИВ-инфекциясини), миллий соғлиқни сақлаш тизимлари сарф-харажатларини камайтиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида Бош прокурор Р.Қодиров раислигида Одам савдосига қарши курашни бўйича Республика Идораларо комиссиясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда одам савдосига қарши курашни бўйича Сирдарё ва Хоразм вилоятлари ҳудудий идораларо комиссиялари фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Халқаро ҳамкорлик марказида Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Франция ҳукуматларо комиссиясининг навбатдаги мажлиси ва икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Бизнес-форум якунида Ўзбекистоннинг қатор компания ва корхоналари ҳамда Франция ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа ўтказилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни Францияга экспорт қилиш бўйича шартномалар тузилди.

Навоий техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежида “Йилнинг энг яхши ахборот-ресурс маркази” кўрик-тайловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Қизгин ва мароқли ўтган баҳслар натижасига кўра, олий ўринни Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти қошидаги академик лицей, Навоий техника иқтисодиёт касб-ҳунар коллежидаги АРМ биринчи ўринни, Қарши қишлоқ хўжалик коллежи АРМ иккинчи ўринни, Нукус давлат педагогика институти қошидаги 2-лицейнинг АРМ учинчи ўринни қўлга киритди.

Белгияда нашр этиладиган “New Europe” ҳафтаномасида Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётига бағишланган туркум мақолалар эълон қилинди. Жумладан, “Ўзбектелеком”нинг соф фойдаси 10,4 миллиард сўмга ошди” сарлавҳали мақола ҳам чоп этилган бўлиб, унда компания эришган ютуқлар ҳақида ҳикоя қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида «Оммавий ахборот воситаларида парламент фаолияти: ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолати ва истиқболлари» мавзусида семинар ҳамда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган тадбир ўтказилди.



ҲАМКОРЛИК ТАРАҚҚИЁТГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Семинарда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари қўмитаси раиси Абдурашид Жўрабоев, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факултети профессори Файзулла Мўминов, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти лойиҳа раҳбари Бобур Алиханов, Олий Мажлис қонунчилик палатаси матбуот котиби Олим Ҳасанов раҳбарлик қилишди. Таъкидланишича, бугунги кунда давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси ва раҳнамолигида ОАВ соҳасида мукаммал қонунчилик базаси яратилган. Бу эса, ўз навбатида, миллий матбуотимизга демократик таъминларни кенг жорий

этиш, таҳририятларнинг ижодий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Тадбирда журналистларнинг ихтисослашуви масаласига алоҳида тўхталиб ўтилди. Уларнинг муайян соҳага ихтисослашуви шу йўналишда тезкорлик ва ҳолислик билан ижодкорлиги жараёни билан мунтазам таништириб бориш, қабул қилинаётган қонунларнинг аҳамиятини кенг ёритишда журналистларнинг маҳорати муҳим аҳамият касб этади. Эндиликда бу йўналишдаги ишларни янада

жонлантириш мақсадида семинар-тренинглар ўтказиш режалаштирилган бўлиб, бу, ўз навбатида, парламент ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлайди.

Тадбир савол-жавоблар билан якунига етди. Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини муносабати билан парламент фаолиятини ёритиш ишларига муносиб ҳисса қўшиб келаётган бир гуруҳ журналистларга мукофотлар, 130 нафар оммавий ахборот воситаси вакилига аккредитация гувоҳномалари топширилди.

Собит АҲАДОВ,
«Xabar» мухбири

Алоқа тарихи музейи чорлайди



Хурматли газетхонлар, хабарингиз бор, жорий йилнинг 25 июн куни “Алоқа тарихи музейи”да янги экспозиция очилишининг маросими бўлиб ўтган эди.

Экспозиция бир неча композициялардан иборат бўлиб, ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Музейда ташкил этилган кутубхонадаги ўтган асрнинг 30-йилларидан бошлаб нашр этилган алоқа йўналишларига оид техник адабиётлар, ўқув қўлланмалари, ҳар хил номдаги журналлар, шунингдек, китоблардан фойдаланишнинг тарихий ва замонавий услубларини ифода қиладиган иккита маникен ҳамда супа ва хонтахтадан иборат композиция томошабин эътиборини ўзига тортлади.

Залга кираверишда XX асрнинг бошларида фойдаланилган телефон аппарати макети, бундан ташқари ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва бугунги кунгача фойдаланилган ҳар хил таксофонларнинг намуналари ўрнатилган. Шуниси қизиқарлики, мазкур телефон ва таксофонлар ҳозир ҳам ишлашга шай ҳолатда турибди.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб фойдаланилган алоқа ўлчов техникаси намуналари экспозиция жойлашган залнинг марказий қисмига қўйилган. Шунингдек, шаҳар ва шаҳарлараро телефон алоқаси линиялари қурилишида фойдаланилган телефон кабеллари ва симлар намуналари махсус стендларга жойлаштирилган.

Хурматли юртдошлар, ази ҳамкасблар!

Сизларга қисқача маълумот беришга ҳаракат қилдик, қолганини музейимизга ташриф буюриб билиб оласизлар, деган умиддамиз.

Музейимизга марҳамат!

Алоқа тарихи музейи маъмурияти

Болажонлар кувончи

Бола кулгусидай жарангли, бола кувончидай ёкимли нарса бўлмаса керак дунёда. Шунинг учун ҳам бола кулса олам кулади, дейишади. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги раҳбарияти ҳам ўз тасарруфидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритувчи ишчи-хизматчилар фарзандларининг ёзги дам олиши марокли ўтиши учун бор имкониятларини ишга солмоқдалар.

Биз “Тошкент шаҳар телефон тармоғи” филиалига қарашли “Алоқачи” ҳамда “Нилуфар” ёзги дам олиш ва соғломлаштириш оромгоҳларида бўлганимизда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Тоғ ён бағрида жойлашган бу оромгоҳларда ҳаёт кайнайдди. Биз бу ердаги маъсул ходимларни сўхбатга тортдик.

— Айни пайтда иккинчи навбатда 363 нафар етти ёшдан 14 ёшгача бўлган болалар дам олишмоқда, — дейди “Алоқачи” оромгоҳи катта етакчиси Отабек Одилов. — Уларнинг 30 нафари Қорақалпоғистон Республикаси, 70 нафари эса Хоразм вилоятидан келишган. Биз болаларнинг оромгоҳдаги ҳар бир соати мазмунли ўтиши учун ҳаракат қиляптимиз. Дилфуза Зиёмухамедова раҳбарлик қилаётган рассомчилик, Нигора Нурмухамедова берилиб ишлаётган нозик тикиш ҳамда юмшоқ ўйинчоқлар тикиш ва рақс тўғарақлари доимо гавжум. Болажонлар, шунингдек, компютерда иш-

лашни ҳам катта қизиқиш билан ўрганишяпти. “ТШТТ” филиали ахборот ҳисоблаш маркази ходими Акбар Қосимовнинг болажонлиги бу борада, айниқса, қўл келяпти.

— Болалар бу ерда 12 кун бўлишса, ҳар кун биттадан талбир ўтказилади, — дея сўхбатга қўшилди маънавий-маърифий ишлар бўйича маъсул Фаина Шубина. — Улар аввало ёшларига қараб отрядларга бўлиб чиқилади. Сўнгра ташкил этилган 10та отряд ўртасида турли мусобақалар ўтказилади. “Аъло иқтидорли болалар”, “Ҳиндулар кун”, “Кувноқлар ва зукколар”, ёш мухбирлар ва етакчилар иштирокидаги қизиқарли дастурлар шулар жумласидандир. Шунингдек, Баркамол авлод йилига бағишланган алоҳида кутубхона ташкил этганмиз.

— Гузал ва мафтункор Тошкент шаҳрига биринчи келишим, — дейди етакчи Нуржайна Жантуғелова. — Бизни “ТШТТ” филиали касаба

уюшмаси кўмитаси раиси Асқар ака Абдуллаев самимий кутиб олиб, автобусда оромгоҳга олиб келди. Тоғ ҳавоси, бир кунда олти марта берилётган мазали таомлар, мева ва шербатлардан болажонларимиз хурсанд.

“Нилуфар” да ҳам алоқачиларнинг фарзандлари мириқиб ҳордиқ чиқаришяпти. Оромгоҳ худудидан оқиб ўтган сўлим сой устига қурилган кроватда фарзандларини кўрган келган ота-оналар ўтиришибди. Улар билан сўхбатлашдик.

— Турмуш ўртоғим алоқа соҳасида меҳнат қилади, — дейди Замирахон мамнун бўлиб. — Шу сабаб икки нафар фарзандимизга ҳар йили имтиёзли йўлланма оламиз. Улар бу ерни жуда яхши кўришади. Оромгоҳда ишловчилар маъсулиятни чуқур ҳис қилишади. Шифокорлар, ошпазлар, тарбиячи-ю етакчилар иши директор Нозимахон Розикова назоратида.

Нозима Розикованинг айтишига қараганда, иккинчи навбатда 230 нафарга яқин бола қабул қилиниб-



ди. Кўча кутубхона, маънавий хонаси, зилот сувли бассейн улар ихтиёрида. “Ёшлар камоли — юрт истиқболи”, “Ҳамма нарсани билишни истайман”, “Замонавий ҳаётда АКТнинг ўрни” каби қатор тadbирларнинг асосий иштирокчилари болалардир.

— “Нилуфар” менинг сеvimли масканим, — дейди тошкентлик Музаффар Нурматов. — Менинг онам алоқа соҳасида ишлайдилар ва ҳар йили шу оромгоҳга йўлланма оладилар. Мен бу ерда Марат, Руслан, Шароф каби қатор дўстлар орттирдим.

Бу оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқараётган ҳар бир боланинг дилидаги гап эди назаримда.

М. ИДРИСХЎЖАЕВА

«Баркамол авлод йили давлат дастури» доирасида вилоятимизда кенг камровли ишлар амалга оширилмоқда. Жисмоний соғлом ва маънавий бой авлодни тарбиялаш ишларини янада кучайтиришда болаларни оромгоҳларда дам олдиришнинг аҳамияти бекиёсдир.

— Вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгаши маънавий, маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Валлишер Азизов. — Вилоят фаоллар йиғилиши қарорига кўра, болаларни соғломлаштириш режасини 35 фоизга кўпайтириш белгиланди. Яъни, жами 28000 нафар болани соғломлаштириш кўзда тутилмоқда. Бу ўтган йилгидан 7 минг нафарга кўпдир. Оромгоҳларда болажонларимизнинг бўш вақти кўнгилли ўтиши учун етарли шарт-шароитлар яратилди. Айни кунгача 23та шаҳар ташқарисидagi оромгоҳда 7745 нафар, 72та мактаб қошидаги кундузги оромгоҳларда 6872 нафар болалар соғломлаштирилди. Яна шунинг айтиб ўтиш керакки, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандларининг 300 нафари шаҳар ташқарисидagi оромгоҳларда белул соғломлаштирилди. Фарғона вилояти алоқа ташкилотлари ишчи-мутахассисларининг 400 нафар болалари “Ниҳол”, “Хумо”, “Коинот” оромгоҳларида соғломлаштирилади. Шу кунгача уларнинг 272 нафар фарзандлари дам олдирилди.

Ўтган шанба кунини биз Қувасой шаҳрида жойлашган, вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашига қарашли “Ниҳол” оромгоҳида бўлиб, болажонларимизнинг қандай дам олаётгани билан танишдик.

Бу оромгоҳ сўнгги йилларда энг яхши оромгоҳлар қаторидан ўрин олди.

— Болаларнинг ҳар бир кунини турли-туман тadbирларга бой, сервак ўтади, — деди биз билан сўхбатда етакчи Зиёмухамедов Олимжонов. — “Кел, дўстлашамиз”, “Оромгоҳ юлдузлари” — танишув тadbирларида болалар ўз иқтидор ва имкониятларини намойиш этиб, ҳурмат

«НИҲОЛ»да бир кун...



қозонадилар. Расм қизиш, варрак учирини, турли спорт мусобақалари туфайли болалар оромгоҳ ҳаётига киришиб, бир оила фарзандларидек бўлиб кетишади.

— Айниқса, “Камалак-экспресс” — поездида “сайр қилиб” ўз билимларининг синаб олиш маза-да, — дейди Азизбек Мағзолиқов. — Буни поезда “Шифокор”, “Маънавият”, “Олтин мерос”, “Ватанпарвар” бекатларида бўлганимизда билдик. Ҳали жуда кўп ўқишимиз керак экан.

Чиндан-да ҳар бир бола ўзи учун қизиқарли машғулот топа олаётгани билан ҳам мамнун.

— Мен чевар-дизайнер бўлмоқчиман. Шу-

нинг учун тикувчилик тўғарагига қатнашяпман, — дейди Манзураҳон Фозилова. — Баъзи билмаган нарсаларимни ўрганиб олдим.

— Мен футболчи бўлмоқчиман, — дейди Мақсуджон Фозилов. — Мириқиб футбол ўйнаяпман. Ҳар кунини бўладиган “Умид ниҳоллари” мусобақаларида ҳам иштирок этайман. Натижаларим зўр!

Шахмат мусобақаларида биринчи ўринларни олаётганлар ичида қувалик Нурулло Ҳусайинов ҳам бор. У янги орттирган дўстларини ҳам шахматга тортиди. Ақдони чархловчи бу ўйин уларга ҳам жуда маъқул.

Бу хайрли ишларда Абдуқодир Абдулбоқиев, Дилера Ибодуллаева, Абдумалик Жумамамов, Фазлитдин Нурматов каби тўғарак раҳбарларининг хизматлари катта бўляпти. Дониёр Ибрагимов, Иқбол Тургунов, Машраб Отажонов, Садоқат Сулаймонова каби тарбиячи ва етакчилар ҳам дилбандларимизнинг ҳар бир они марокли ва завқли ўтиши учун жон куйдирмоқдалар. Биринчи сменада 201 нафар бола дам олган бўлса, иккинчи сменада эса 238 нафар бола дам олдирилмоқда. Шундан 63 нафари алоқа ташкилотлари ходимларининг фарзандларидир.

Вилоят ўлкашунослик музейига саёҳат қилиб бир олам таассурот билан келган болажонларга биз борган кунини вилоят рус драма театри жамоаси “Осмондан тушган танга” эртагини ҳаёда этди. Болажонларнинг шодон қаҳқаҳасидан бахтиёр ўтирган оромгоҳ раҳбарлари ва педагогларининг меҳрга лиммо-лим чехраларини кўриш беҳад кўнгилли эди!

Ҳа, “Ниҳол” бағрида ўтган 12 куннинг ҳар кунини гузал лавҳа бўлиб болажонлар хотирасига ёзилмоқда. Демак, улар янада доно, янада кучли, янада соғлом бўлиб қоладилар.

Ҳафиза САЛЯХОВА,
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги муҳбири

Xalqaro hayot



ПОЛШАДА ЯНГИ ПРЕЗИДЕНТ

Ўтган якшанба куни Полшада президент сайловининг иккинчи босқичи бўлиб ўтди. Унга кўра, президент вазифасини бажариб турган Бронислав Каморовский ғолиб чиқди. Сайловчиларнинг 53,1 фоизи унинг номзодини қўллаб-қувватлашган, собиқ президент Лех Качинскийнинг укаси Ярослав Качинский эса 46,99 фоиз овоз тўплаган.

Associated Press хабарида айтилишича, сайловда сайлаш ҳуқуқига эга аҳолининг 55,31 фоизи қатнашган.



ТУННЕЛ ҚУЛАБ ТУШДИ

Чехия пойтахти Прагада 6 июлга ўтар кечаси янги қурилатган «Бланка» автомобил туннели икки жойидан қулаб тушган. У ерда қолиб кетган ишчи — булдозер ҳайдовчисини қутқарувчилар фақат эрталабга бориб эсон-омон чиқариб олишди.

Жами узунлиги олти километрни ташкил этувчи туннелнинг 100 метри кўмилиб қолган. У Прага шимоли-ғарбидаги ҳалқа йўлининг бир қисmini ташкил этади.

2012 йили фойдаланишга топширилиши режалаштирилган бу ер ости йўли учун ҳақлар 25,7 миллиард крон (1 миллиард доллардан ортиқ) маблағ сарфлашмоқчи.

ПАРВОЗ ТАКИҚЛАНДИ



Европа комиссияси Iran Air авиалайнерларининг учдан икки қисмига Европа Иттифоқи ҳудуди бўйлаб парвоз қилишни тақиқлади. Эслатиб ўтамиз, Iran Air Эроннинг 30 мамлакатдаги 54 шаҳарга парвозлар амалга оширувчи йирик авиакомпанияси ҳисобланади.

Компаниянинг айрим самолётлари хавфсизлик талабларига жавоб бермаслиги боис жорий йилнинг март ойидаёқ Еврокомиссия «қора рўйхат»га тушганди. 6 июль куни рўйхатга форсларнинг Airbus-320, Boeing-727 ва Boeing-747 лайнерлари ҳам киритилди.

Еврокомиссия вакили Хелен Кернснинг айтишича, бу қарорга келишда ҳеч қандай сиёсий муддаолар йўқ, фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай чора қўлланди.

Еврокомиссия вакили Хелен Кернснинг айтишича, бу қарорга келишда ҳеч қандай сиёсий муддаолар йўқ, фақат хавфсизлик нуқтаи назаридан шундай чора қўлланди.

ЁНГИН АСОРАТИ

Конго Демократик Республикасида даҳшатли фожиа юз берди. Бензин ташийдиган машинанинг ағдарилиб кетиб, ёнгин чиқиши 230 кишининг ҳаётига зомин бўлган.

Ҳайдовчининг хатоси натижасида машина қишлоқ марказига келганда ағдарилиб бензин тўкила бошлади, одамлар фурсатини бой бермай тўкилаётган бензинни идишларга солиб уйларига олиб кетмоқчи бўлишган. Шу пайтда ёнгин бошланган.


Хабарларга кўра, қурбонлар орасида болалар кўпчилигини ташкил этади. Воқеа жойидаги кўплаб уйлар ҳам бутунлай ёниб кетган.

«ПРОГРЕСС» ЧЎҚТИРИЛАДИ

Ер атрофида бир ярим ой текширишлар олиб борган Россиянинг «Прогресс» фазо кемаси Тинч океанига чўктириб юбориладиган бўлди.

У шу йилнинг 10 май куни халқаро фазо станциясидан муваффақиятли ажратилган эди. Бундан олдин унга бир тоннадан ортиқ чиқинди ва ишлаб бўлинган жиҳозлар юкланган.

Ҳозир бошқа бир «Прогресс» кемаси фазога чиқарилган бўлиб, унга озиқ-овқат, сув, ускуналар ва космонавтларнинг оилалари берган совғалар ортилган.



ТЕХНОЛОГИЯЛАР

ЯГОНА СТАНДАРТ УЧУН

Бир гуруҳ Осие ноутбук ишлаб чиқарувчилари, жумладан, Acer ва Asustek компаниялари Электротехника ва электроника институти (IEEE — Institute of Electrical and Electronics Engineers)нинг стандартларни бирлаштириш ташаббусини қўллаб-қувватлашди.

Шунингдек, ноутбуклар учун зарыллаш қурилмалари ягона стандартига ўтиш масаласида етакчи компютер ишлаб чиқарувчи компанияларни бутловчи қисмлар билан таъминловчи Тайваннинг Quanta Computer, Compal Electronics, Wistron, Pegatron Technology ва Inventec компаниялари ҳам ижобий жавоб беришди.

IEEE — радиоэлектроника ва электроника соҳаларида стандартлар ишлаб чиқиш бўйича дунёда етакчи, электроника соҳаси профессионаallarини бирлаштирувчи йирик ва нуфузли нотижорий ташкилот ҳисобланади.

MOBIL ALOQA

ТАРИФ ТАНЛАШДА АДАШМАНГ!



Top10.com портали муаллифлари тадқиқот ўтказишди, аниқланишича, аксарият мобил телефон фойдаланувчилари тариф танлашда бепарволикка йўл

қўйишаркан. Бу лоқайдлик оқибатида, ўртача ҳисоблаганда, бир абонент алоқа хизмати учун йилига 100 доллар ортиқча харажат қилмоқда. Биргина Европада жами ортиқча харажат йилига 1 миллиард еврогача етиб боради.

Тадқиқот муаллифларининг таъкидлашларича, бунда компанияларнинг айби йўқ, шунчаки ё абонентлар янада қулай тарифлар борлигидан беҳабар ёки баъзи хизматлардан нотўғри фойдаланишади.

Статистикага кўра, энг серхаражат хизматлар бу — халқаро кўнғироқлар ва интернет-трафикдир.

3-D

УЧИНЧИ ЎЛЧАМГА ЎТИШ МУАММОЛАРИ

Японияликларнинг учдан икки қисми ўз телевизорларини 3D-функцияли телевизорларга алмаштирмасликларини билдиришган. Бу Kakaku.com сайти ўтказган сўровномада аниқланди. Унда 8957 киши қатнашган.

Уларнинг 70 фоизига махсус кўзойнаклардан фойдаланиш ёқмаган бўлса, 57 фоизи бу телевизорларнинг нархи баланглигидан шикоят қилган. Қатнашчиларнинг 40 фоизи учун ҳали бу телевизорлар учун трансляция қилинадиган дастурларнинг камлиги баҳона бўлган.

3D-телевизорларни оммавий тарзда чиқараётган компаниялар орасида Samsung, Sony, LG, Sharp ва Panasonicни санаб ўтиш мумкин. Европада июль ойининг бошларига қадар бу компаниялар маҳсулотларининг 25 мингтаси харид қилинган.

LENOVO 3-ДНИ ҚЎЛЛАЙДИ

Lenovo компанияси янги — Y560d русумли ноутбукларини сотувга чиқарди. Унинг ўзига хослиги 3D-дисплейга эга эканлигидир.

Дисплейда акс этган ҳажмдор тасвирни кўриш учун фойдаланувчига махсус кўзойнак керак бўлади. Матрица диагонали 15,6" та тенг дисплей 1366x768 пикселни ифодалайди. Intel Core i7-720QM процессоридан ишловчи ноутбукнинг қаттиқ диски 500 ГБ ҳажмли бўлиб, 1 ГБ ажратилган хотирали Mobility Radeon HD 5730 видеокартасига ҳам эга.

Ноутбукка Windows 7 Home Premium амалиётлар тизими ўрнатилган.

XAVFSIZLIK

Apple ва ВИРУСЛАР



PandaLabs антивирус компаниясининг аниқлашича, iPhone учун чиқарилган инсталланган зарарли дастур iPad планшет компютерлари учун хавф туғдиради. Бунга сабаб, iPad ва iPhoneда бир хил амалиёт тизими ишлатишидир — iPhone (v3) ёки iOS (v4).

PandaLabs техник директори Луис Корронсининг таъкидлашича, Apple компаниясининг бозордаги улуши ошиб боришига ҳамоҳанг равишда ўз-ўзидан унинг қурилмалари кибержиноятчиларни кўпроқ қизиқтира бошлайди. Вақт ўтгани сайин бу ҳақиқат тобора исботини топиб борапти. Шу боис фойдаланувчилар ишлаб чиқарувчи тасвияларига қўлоқ тутиб, ўз қурилмалари хавфсизлигига эътиборни янада кучайтиришлари лозим бўлади.

SALOMATLIK

УХЛАМОҚЧИМИСИС — ТЕЛЕФОННИ ЎЧИРИНГ!



Шифокорлар уйқусизлик касалига чалинганларга кечаси компютер ва телефонларини ўчириб қўйишни тавсия этишмоқда. Агарда кечаси компютерда ишлашга одатланган бўлсангиз, унда ухлашга умид қилмасангиз ҳам бўлаверди. Ёниқ телефон борасида ҳам шу тўхтама келиш мумкин. Психолог-профессор Юрген Зулли компютердан мунтазам фойдаланишга одатланишни кашандалликка ўхшатган. Яъни ундан воз кечиш учун мустақкам ирода зарур.

Мабодо уйқуга кетишдан олдин «ҳар эҳтимолга қарши» электрон почтага қараб қўйиш ёнки интернетга кириш учун компютерни ёқдингизми, тамом, қандай тонг оттирганингизни билмай ҳам қоласиз.

Ахборот хуружи

Бунга қарши ёшларнинг фуқаролик позицияси етарлими?

(Давоми. Бошланғич 1-бетда.)

Ёшлар турли рекламалар ва, айниқса, бир-бирларига бевосита таъсир ўтказиш натижасида интернет тармоғидан берилаётган кундалик ахборотларга катта эҳтиёж сезмоқдалар. Кутубхона ҳамда китобхонликка нисбатан бир неча марта арзон ва қўлай бўлган интернет тармоғи улар учун ахборотлар билан ишлашнинг энг яхши макони саналади. Аммо давомий ахборотлар билан ишлаш оқибатида, фойдаланувчи ўзи сезмаган ҳолда ахборот хуружга тушиб боради. Сабаби оддий, яъни ахборот истеъмолчиси бўлган ҳар бир фойдаланувчида ахборот билан ишлаш кўникмаси махсус шакллантирилмаган.

Ривожланган мамлакатларда интернет тармоғига махсус йўналтирилган ахборот воситаларини тарқатиш ҳамда унда берилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириб бориш учун махсус интернет-провайдер компаниялари ҳамда марказлари ташкил этилган. Бу марказлар нафақат давлат миқёсида, балки маълум бир соҳа ҳамда ихтисосликлар доирасида махсус ишлаб чиқилади. Интернет тармоғига кетадиган кўп ахборот воситалари машҳур телерадиокомпаниялар ёки ОАВ номи орқали тарқатилади. Негаки, телевидение ва газета-журналларда кенг ёритиш имконияти бўлмаган турли маълумотларни катта ҳажмдаги ахборот сифатида интернетда бемалол ва истаганча талқин қилиш мумкин. Шу сабабли ҳам бугун интернет тармоғида BBC, CNN, Times каби интернет сайтлари ҳаммабоб бўлиб қолганлигини эътироф этиш мумкин. Бу сайтларда мавжуд ахборотлар дунёнинг барча халқлари тушунадиган асосий тилларда деярли ҳар кун, ҳар соат ва дақиқаларда тарқалади ёки янгиланиб туради. Интернетнинг кунига 24 соат давомида тўхтовсиз ишлаши ва уни тўлиқлигича қўлга олишнинг иложи йўқлиги инobatта олиниб, кўплаб давлатларда ахборотлар билан ишлашда белгиланган қонунчилик доирасида кўникмалар шакллантирувчи ўқув марказлари ташкил этилган. Бизнингча, университет ва талабалар ўйларига интернет марказлари фаолиятини амалий жиҳатдан ривожлантиришда ўқув марказлари ташкил этиш лозим.

Ахборот хуружга қарши талабаларга бирор-бир амалий ёрдам кўрсатадиган қўлланма ва китоблар етишмаяпти. Талабалар интернет ахборот хуружга қарши ўзларида ҳали фуқаролик позициясини тўлиқ шакллантириш имконига эга эмаслар. Машҳур иқтисодчи, халқаро Нобел мукофоти соҳиби, профессор Ф.Хайек ўз мулоҳазаларида шундай дейди: “Ҳақиқат, бир томондан, бизнинг замонавий фанимиз қонунлари асосида ўз исботини топмайди ёки конструктивизм методологияси талабларига ҳам асосланмайди, лекин шу билан биргаллик, бизда ўзимизнинг кўплаб ҳозирги илмий тахминларимиз охир-оқибатда хато чиқиб қолиши учун ҳам асос мавжуд. Агар ҳар қандай таълимот бизга катта ютуқлар олиб келган тақдирда ҳам, биз унга қанчалик ишонмайлик, бу илгари одимлаш учун жиддий мазмун касб этганда ҳам, моҳиятига кўра худди аввалгилари сингари англашилмовчиликдай бўлиб қолаверади”. Россия университетларида 2005 йили талабалар орасида интернет тармоғидан бошқа “ўзингиз фойдаланадиган асосий ахборот манбаларини кўрсатиб ўтинг”, деган мазмундаги сўровнома ўтказилганда куйидаги маълумотлар олинган:

- 52,0 фоиз талаба кутубхонадан;
- 43,9 фоизи журналлардан;
- 36,7 фоизи газеталар;
- 43,9 фоизи телевидение ва радиодан;
- 42,9 фоизи ўқитувчилардан;
- 10,2 фоизи курсдошлардан оладиган ахборотлар деб жавоб берган (эслатиб ўтамиз, социологик сўровларда айрим саволларга унотага жавоб бериш мумкинлиги туфайли, фоиз кўрсаткичлари юқори миқдорларни ташкил этади).

Бу кўрсаткичларда ҳам талабаларнинг деярли ярми ўз билимларини кенгайтириш учун асосий манбаларни иккиламчи воситалардан олиши маълум бўлмоқда. Бу эса олинган маълумотнинг ишонччилик даражасини йўқотади. Талабада эса ўзига ишончсизликни пайдо қилади.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топиши шароитида халқ таълими хизматлари маркетингини ўрганиш энг долзарб масалалардан бири бўлиб, бу соҳада айнан таълим муассасасининг маҳсулоти си-



фатида нимани олиш зарурлиги муҳим масала ҳисобланади. Бозор муносабатлари таълим соҳасида пуллик хизматларнинг пайдо бўлиши, ўқув юртларида ҳам ўзаро рақобат муҳитини яратиш ва таълим муассасаларининг ўз-ўзини бошқариш тизимини такомиллаштиришни йўлга қўйишни тақозо этмоқда. Бунинг учун таълим тизимидаги хизматларни сотиб олувчилар, яъни ёшларнинг талабига жавоб берадиган таълимнинг юқори даражасида бўлишини таъминлашга эришиш лозим. Шу мақсадда, биз республикамизда таълим тизими учун ўта зарур бўлган омилини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш масаласини илгари сурмоқчимиз.

Шу маънода, айрим педагогика йўналишидаги олий ўқув юртлари бугунги кунда катта тажрибага эга бўлгани, ўқитиш тизими намунали йўлга қўйилгани билан ундаги илмий потенциал талаб даражасида ёки тадқиқот олиб бораётган илмий ходимларнинг кўрсаткичлари юқори бўлмаслиги мумкин. Бозор талабларига биноан эса натижа қўлга киритилган диплом билан эмас, эгалланган билим билан баҳоланади. Буни яхши англаган фуқаро, табиийки, олий ўқув юртининг даражасини ундаги сифат кўрсаткичлари билан баҳолайди. Бу сифатлар эса куйидаги меъёрлар билан белгиланади:

- таълим муассасаси кутубхонасининг ҳажми (китоблар миқдори, унинг тарихий ва замонавий ҳолати, замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари, компьютер

тизими ва бошқалар);

- мактабларда метод кабинетлари, олий ўқув юртларидаги кафедра-лар, ундаги профессор-ўқитувчиларнинг фаолияти;

- нафақат олий ўқув юрти, балки факултет ва кафедраларнинг халқаро даражадаги алоқалари ва олинган натижалари;

- интернетдан фойдаланадиган ёшларнинг, хусусан, ўқувчи ва талабалар сонининг динамик ортиб бориши ёки камайиш кўрсаткичи ҳамда уларнинг кейинги фаолиятларида эришадиган ютуқлари;

- хориждан таълим этилган малакали педагоглар, мутахассислар, таниқли профессорлар ҳамда уларнинг олий ўқув юрти илмий ривожига ва таълим самарадорлигини оширишга қўшадиган ҳиссаси.

Бундан кўриниб турибдики, таълим муассасаларининг фаолият кўрсатишида асосий мақсад икки-та, яъни, бир томондан, шахснинг таълим олишга бўлган эҳтиёжини қондириш бўлса, иккинчи томондан, иқтисодиётнинг барча соҳалари учун малакали профессионал кадрлар тайёрлаш масалалари билан узвий боғлиқдир. Шундай экан, таълим хизмати маркетинги бир томондан, кадрлар тайёрлаш ишини йўналтириб борса, иккинчи томондан, ёшларнинг ахборотларни қабул қилиш ва таҳлил этиш масаласига ҳам масъул саналади.

Руслан АЛЛАБЕРГЕНОВ,
ТАТУ ахборот технологиялари факультети 3-босқич талабаси

“**Ривожланган мамлакатларда интернет тармоғига махсус йўналтирилган ахборот воситаларини тарқатиш ҳамда унда берилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини текшириб бориш учун махсус интернет-провайдер компаниялари ҳамда марказлари ташкил этилган.**”

С 5 июля начался региональный учебный семинар по компьютерной грамотности для населения, организованный Узбекским агентством связи и информатизации совместно с Министерством высшего и среднего специального образования, ОДМ «Камолот», ТУИТ, Фондом «Махалла» и Центром молодежных инициатив «Келажак овози» в целях выполнения задач, вытекающих из Государственной программы «Год гармонично развитого поколения».

РЕГИОНАЛЬНЫЙ УЧЕБНЫЙ СЕМИНАР

Цель учебного семинара – повышение уровня знаний населения и подрастающего поколения в сфере информационно-коммуникационных технологий, повышение интереса молодежи к информационным технологиям, а также более широкое использование информационных технологий в учебном процессе.

В региональные учебные семинары вовлечены более 400 лекторов – студентов и преподавателей Ташкентского университета информационных технологий, а также специалистов сферы связи и информатизации. В соответствии с разработанной ими же программой дети изучают основы работы в операционной системе Windows, программы Word, Excel, Power Point, а также навыки эффективного использования сети интернет.

Семинары будут проводиться по всей республике в оборудованных компьютерных классах колледжей, где имеются все необходимые технические средства, в течение месяца. На семинарах планируется участие слушателей из 200 районов республики.

Данный семинар является важным этапом в воспитании гармонично развитого поколения, реализации молодежью своего творческого и интеллектуального потенциала.

Пресс-служба УзАСИ

УСЛУГА ВИДЕОТЕЛЕФОНИИ стала еще дешевле

Приказом АК «Узбектелеком» от 21 июня 2010 года утверждены новые тарифные планы на услугу видеотелефонии, которые введены в действие с 1-го июля 2010 г.

В соответствии с тарифными планами юридическим и физическим лицам предложены различные виды скидki. В частности, при тарифном плане «Unlimited» («Безлимитный») для юридических лиц абонентская плата составляет 35 000 сум в месяц. Если организация будет обращаться за подключением 5 видеотелефонов, абонентская плата за каждый видеотелефон составит 31 500 сум, свыше 20 видеотелефонов – тогда абонентская плата устанавливается в размере 24 500 сум за каждый видеотелефон.

А для физических лиц предложены различные виды тарифных планов, таких как «Ecomom», «Optimal», «Govori bolshe» и «Unlimited». Самое впечатляющее тарифный план на услугу видеотелефонии для физических лиц – это тарифный план «Ecomom», при котором абонентская оплата составляет 5 000 сум при установленном лимитном времени местных разговоров 600 минут. Кстати, на тарифном плане «Unlimited» абонентская плата снижена до 28 000 сумов.

При этом напомним, что для абонентов, имеющих выделенную линию интернет от сети филиалов «ТШТТ» и «Тошкент Телеком», подключение производится бесплатно.

Для абонентов, не имеющих выделенной линии интернет от сети филиалов «ТШТТ» и «Тошкент Телеком», действует только тарифный план «Unlimited».

Потенциальные абоненты могут обратиться в местные узлы связи.

Скачать тариф на видеотелефон можно на сайте АК «Узбектелеком».

ЗАПУЩЕН ОБНОВЛЕННЫЙ ВЕБ-РЕСУРС Call-центра филиала «ТШТТ»



Специалистами Call-центра филиала «Тошкент шахар телефон тармоғи» («ТШТТ») АК «Узбектелеком» с 1 июля 2010 года запущен веб-сайт справочной службы г. Ташкента (Call-центра) с принципиально новым дизайном.

Структура и дизайн сайта созданы так, чтобы посетители сайта могли просто, легко и удобно находить полную исчерпывающую информацию о возможностях, предоставляемых справочно-информационной службой Call-центра «ТШТТ».

Пресс-служба АК «Узбектелеком»

НОВАЯ АКЦИЯ ОТ «МТС-УЗБЕКИСТАН»

«МТС-Узбекистан» сообщает о запуске акции «Все включено», которая будет проходить с 6 июля по 31 августа 2010 года.

В рамках данной акции всем абонентам, подключающимся на тарифный план «МТС-Коннект», будет автоматически активирован бесплатный GPRS-пакет «Internet 25» с объемом включенного трафика 25 Мб. Более того, абоненты, которые приобретут брендированные USB-модемы E1550 и MF100 у официальных дилеров в период с 6 июля по 31 августа 2010 года, получат бесплатный GPRS-пакет «Internet 1000» с объемом включенного трафика 1000 Мб. Следует отметить, что при покупке модема, абонент получает специальную карту с защитным слоем, наклеенную на упаковку. Для активации бесплатного GPRS-пакета необходимо стереть защитный слой и отправить указанный код в виде SMS-сообщения на номер 901.

Подключиться на тариф «МТС-Коннект» можно у официальных дилеров компании. Брендированные USB-модемы от МТС можно приобрести у официальных дилеров компании, а также у официальных поставщиков – в компаниях Sharifa.com и TS Technology.

«BEELINE BUSINESS» ВВОДИТ БЕСПЛАТНЫЕ ИСХОДЯЩИЕ В ТАРИФЕ «СВОЙ КРУГ»

«Beeline Business» (ООО «Unitel» и СП «Buzton») объявляет о запуске услуги «\$0 на исходящие звонки внутри корпоративной группы» для тарифного плана «Свой круг».

С 1 июля 2010 года пользователи тарифа «Свой круг» могут подключить новую услугу, в рамках которой каждому абоненту ежемесячно предоставляется 3000 бесплатных исходящих минут внутри корпоративной группы. Абонентская плата за данную услугу составит \$1,25 в месяц.

Напомним, что в тарифе «Свой круг» отсутствует абонентская плата, все входящие вызовы – бесплатны, а исходящие вызовы на городские номера и номера других мобильных операторов Узбекистана тарифицируются по \$0,02 за минуту.

Подробности – на сайте <http://b2b.beeline.uz>.

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

Дирекция строящихся объектов Узбекского агентства связи и информатизации
ОБЪЯВЛЯЕТ ТЕНДЕРНЫЕ ТОРГИ

на поставку и монтаж оборудования систем кондиционирования, отопления и вентиляции для объекта «Комплекс административных зданий (блоки 1, 2, 3) на пересечении улиц Матбуотчилар и Амира Темура в Мирабадском районе города Ташкента».

В тендерных торгах могут принять участие отечественные и иностранные фирмы и организации, выполнившие предъявляемые условия для участия в них, имеющие опыт поставки соответствующих объемов закупаемой на тендерной основе продукции, а также являющиеся производителями предлагаемой продукции и/или их авторизованными поставщиками.

Отечественным предприятиям-производителям предоставляются ценовые преференции в соответствии с действующим законодательством Республики Узбекистан.

1. Наименование и адрес рабочего органа тендерной комиссии:
ООО «УзИмплэксалока» Узбекского агентства связи и информатизации
Республика Узбекистан, 100084, г. Ташкент, ул. Боишамол, 7а.
Телефон (998 71) 150-19-85. Факс (998 71) 150-19-87.
2. Предмет тендера: поставка и монтаж оборудования систем кондиционирования, отопления и вентиляции.
3. Условия оплаты указаны в информации о тендере и тендерной документации.
4. Условия поставки (согласно ИНКОТЕРМС-2000):
- для иностранных участников: СІР Ташкент;
- для отечественных поставщиков: склад покупателя в г. Ташкенте.
5. Сроки поставки указаны в информации о тендере и тендерной документации.
6. До начала тендера тендерной комиссией будет проводиться квалификационный отбор претендентов.
7. Стоимость тендерной гарантии указана в информации о тендере и тендерной документации.
8. Условия оплаты указаны в информации о тендере и тендерной документации.
9. Последний срок приема тендерных предложений - до 15:00 (Ташкентское время) 2 августа 2010 года.
10. За дополнительной информацией по условиям проведения тендерных торгов обращаться в ООО «УзИмплэксалока» по указанным выше реквизитам.

Югураётган одам

ёхуд Электромагнит майдонларининг инсон саломатлигига таъсири хусусида

Бир китобда муаллиф инсоният тараккиётини энди-энди оёкка туриб, югуришни ўрганаётган болакайнинг ҳаракатланишига ўхшатганди: у соатларда босиб ўтган йўлни асримизда сонияларда босиб ўтати, шу билан бирга, унинг онги ривожлани, олам сирларини ўрганишининг ҳадисини олди – инсон камолотга эришди. Электр токининг кашф этилиши ўзига хос бу «марафон»да катта сакраш бўлди десак, асло муболага бўлмас керак. Бу сакраш ҳақиқий тараккиёт йўлига олиб чиқди – зимистон кечалар кундузга айланди, минглаб чакирим масофалар бир кадам бўлиб қолди, хатто Ойга кадам қўйилди.

«Ойнинг ярми ёруғ, ярми ...»

Олимларнинг аниқлашича, инсон асаб тизими иш тартиби бир ҳужайрадан бошқасига электромагнит импульслар узатилишига асосланади. Бошқача айтганда, мана шу импульслар натижасида биз борлиқни англаймиз ва яшаймиз. Инсоният фойдаланаётган электр асбоб-ускуналар кўпайишига мос равишда теварак-олаимиздаги электромагнит майдонлар (ЭММ) зичлашиб бормоқда. Турган гапки, турли тадқиқотларда аниқланганидек, уларнинг инсон соғлигига таъсири ҳам ошиб бораверади.

Электромагнит майдонларни электр асбоб-ускуналар, теле ва радиоантенналар, поезд, троллейбус, трамвай ва бошқалар ҳосил қилади. Аммо энг катта зарарни киши ўз уйда ёки ишхонасида олади.

Манбалар

Бионардаги электромагнит майдонлар манбалари икки тоифага бўлинади:

Ички омиллар:

1. электр симлари (бино ичидаги, телекоммуникация кабеллари);
2. ماشий электр асбоблар (музлатгич, электр дэзюл, чанг тутқич, электр печи, телевизор) ва розеткада ишлатилган барча нарсалар;
3. тақсимлаш ишлари;
4. трансформаторлар;
5. шахсий компютерлар;

Юқоридегилар фаолияти оқибатида ўзига хос электросмоғ ҳосил бўлади. Айниқса, микротўлқинли печлар, аэрогриллер, «кировски» тизимли музлатгичлар, электр печлари ва телевизорлар бу жараёнга салмоқли «ҳисса» қўшади. Бир турдаги электр асбоблар ҳосил қилаётган реал ЭММ бу асбобларнинг русуми ва иш тартибига қараб фарқланади.

Шахсий компютер аксарият ҳолларда мунтазам электр таъминоти манбаи – тармоқ филтри ва бошқа ёрдамчи электр жиҳозлари билан бирга ишлатилади. Буларнинг барчаси компютер ишлатилганда фойдаланувчи иш ўрнида мураккаб электромагнит ҳолатни юзага келтиради. Маълумотларга қараганда, бир кеча-кундузда монитор қаршисида 2 соатдан 6 соатгача ишловчиларда марказий нерв тизими функционал бузилишлари, юрак қон-томир тизими, таянч-ҳаракат тизими касалликлари кўплаб кузатилаётган. Компютерда ишлаш давомийлиги ошишига ҳамоҳанг тарзда фойдаланувчилар орасида саломатлигига шикаст етувчилар сони кўпайиб боради.

Ташқи омиллар:

1. электротранспорт (трамвай, троллейбус, поезд);
2. электр узатиш линиялари (шаҳар ёритиш тизими, юқори вольтли линиялар);
3. теле ва радиостанциялар (тран-

ляция антенналари);

4. йўдошли ва мобил алоқа (трансляция антенналари);

5. радарлар.

Магнит майдони доираси ўтаётган ток оқими ёки линияга юкланиш ортиши билан ўлчанади. Электр узатиш линияларига юкланиш сутка давомида ва йил фаслларига қараб бетиним ўзгаришларга учрайди, шу боис юқори даражали магнит майдони ўлчамлари доим бир хил бўлмайди.

ЭММнинг инсон саломатлигига таъсири

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг электромагнит майдонларнинг биологик таъсири бўйича халқаро илмий дастури (2000-2004 йиллардан жумла келтирмади: «Тахминларимизга кўра, саратон (рак), Паркинсон ва Алцгеймер касалликлари, шунингдек, ўз жонига қасд қилиш ҳолатларининг кучайиши каби тиббий оқибатлар бевосита электромагнит майдонлар таъсири билан боғлиқ».

ЭММ, айниқса, болалар, ҳомилдор аёллар, марказий нерв, гормонал, юрак қон-томир тизимлари хаста инсонлар, аллергиялар, иммунитетни заиф инсонларга салбий таъсир ўтказиши мумкин. Энг ёмони, бу хавф кўзга кўринмайди, дарҳол белги бермайди, аксинча, узоқ йиллар давомида мунтазам инсон организмига таъсирини кўрсатаверади ва қўйидаги сингари салбий оқибатларга замин ҳозирлайди:


- марказий нерв тизимининг дегенератив (бузилиш) жараёнлари;
- қондаги саратон (лейкоза);
- миёдаги ўсма;
- гормонал хасталиклар;
- депрессиялар, хатто ўз жонига қасд қилишга мойилликнинг туғилиши ва ҳо.

Электромагнит майдонлар ва касалликлар ўртасидаги боғлиқликнинг аниқ механизмлари фан учун жумбоқлигича қоляпти. Илгари сурилаётган фаразлардан бирига қараганда, масалан, электр симлари учиб юрган чанг зарраларини ионлаштиради, зарралар инсон нафас олганда ўпкасига кириб бу зарядни ҳужайраларга беради ва уларнинг функционал бузилишига сабабчи бўлади.

Нима қилиш керак?

Тарихни ортга қайтариб бўлмайди, ростиман шу-да: учар гилам ва ойна жаҳонлар эртақларда қолиб кетди, ким ҳам барча қулайликларга эга уйини форга, шамолдек елувчи автомобилни эшак-аравага алмаштирарди дейсиз. Ахир бу қулайликларга эришгунча инсоният неча минг йиллар санади.

Бизнингча, ҳаммасига сабаб электр энергиясининг бошқа энергияларга нисбатан арзонлигида (бу бир қарашда шундай, албатта). Тежамкор одам автомашинасини минмаслиги мум-



кин, бироқ электр токини тежаш учун телевизорни кўришдан воз кечмайди ёки телефонини бутунлай ўчириб қўймайди. Атрофинизга қаранг: зарядлаш қурилмаси телефонни олиб қўйган бўлсангиз ҳам ҳамон розеткада турибди, биласизми, у телефонга қараганда кўп энергия сарфларкан. Бу ҳам етмаганидек, атрофда яхшигина электромагнит майдон ҳосил қиляпти. Тўғри, музлатгични ўчиришнинг иложи йўқ, бироқ ётнингиздаги лампочкани ҳозир қўлайиб қолган «кундузги ёруғлик» туридаги тежамкор лампочкага алмаштирсангиз бўлади. Телевизор ва DVD-плеерга қаранг, кўрмаётган бўлсангиз ҳам улар токка уланганча «кутиш» тартибда турибди. Энди, хаёлан розетка ортига назар ташлаймиз, тасаввур қиляпсизми, қанчадан-қанча машиналар, электр станциялари бетиним ишляпти. Озмунча табиат ресурслари ишлатилаятими?! (кўмир, уран ва ҳоказо).

Хуллас, энг тўғри йўл ўша-ўша «олтин қонда»: ҳамма нарсанинг метёрида бўлгани, хавфсизлик техникасига риоя қилган яхши. Демак, мутахассисларнинг баъзи тавсияларига қулоқ тутамиз.

Энг яхши ҳимоя

Электромагнит таъсирдан энг яхши ҳимоя – темирбетон девор. Фишт, гипсокартон, ёғоч деворлар бунчалик кучга эга эмас. Инсон ухлаётганида ёки ишлаётганида узоқ вақт давомида электромагнит нурланишдан зарар кўриши мумкин. Шунинг учун сизни қуршаб олган жиҳозларнинг жойлашишига этибор беринг.

Микротўлқинли печ

Энг кучли ЭММ пайдо қилувчи мослама. Уни 1-2 дақиқа ишлатсангиз ҳечқиси йўқ, бироқ ундан иш қуроли сифатида фойдаланувчилар эҳтиёт бўлганлари маъқул. Микротўлқинли печ харид қилишда иложи борича энг «зўри»ни танламанг, яна текшириб кўринг: эшиги зич ёпилармикин? Бузилишида мустақил тузатишга уринманг. Шу ўринда, мавзудан четлашмаган ҳолда, сизга тавсия: биласизми, микротўлқинли печнинг ўзига хослиги нимада? У овқатни сиртдан эмас, балки ичидан иситади: ёруғлик тезлигидаги тўлқинлар овқат молекулаларида таркибий ўзгаришларни келти-

риб чиқаради. Целлофан пакетта солинган нонни солиб қўйсангиз нон қўлни куйдирар даражада исиса ҳам пакет бир хил тураверади. Айниқса, ёш болалар учун сутни асло микротўлқинли печда исита кўрманг.

Музлатгич

Агар у ноу-фрост тизимида ишласа хавфли. Уни дам олиш жойингиздан камида 1-1,5 метр узоққа жойлаштиринг. Оддий музлатгични 0,5 метр олисга жойлаштирсангиз ҳам бўлаверади.

Доимий таъминот манбалари (UPS)

Уларни филтрлар билан адлаштирманг. UPS энг кучли ЭММ манбаларидан саналади. Улар иш ёки дам олиш жойидан қанча узоқ бўлса шунча яхши.

Компютерлар, ноутбуклар

Сўнгги русумдаги компютерлар эски компютерларга қараганда камроқ ЭММ ҳосил қилади. Мониторингиз суёқ-кристалли (ЖК) бўлса яхшироқ, улар эски – электрон-нур трубкали экранларга қараганда камроқ зарарга эга. Компютерни каравотингиз ёнида қолдирманг, кечаси, яхшиси, ўчириб қўйинг.

Телевизорлар

Кўпчилик зарар унинг экраниди, дея нотўғри ўйлайди, аксинча, зарарли майдон унинг орт қисмида ҳосил бўлади. Хавфсиз масофа – 1,5-2 метр.

Мобил телефонлар

Ишлаётган ёки дам олаётганингизда, айниқса кечаси, қўл телефонингизни узоқроққа қўйинг (1,5-2 метр). Телефон одамнинг бошига яқин турмаслиги керак, акс ҳолда мия ундаги электромагнит нурланишларнинг сезиларли қисмини ўзига тортиб олади. Агар кунга мобил телефон орқали бир соатдан ортқ гаплашсангиз, йилига камида бир марта шифокор кўригидан ўтиб турганингиз маъқул. Шаҳардан узоқлашган сайин, телефоннинг зарари таъсири кучайиб боради. Чунки шаҳарда узатиш станциялари кўп, телефон сигнални тутиш учун имкониятининг атиги 10-20 фоиздан фойдаланади.

Собит АХАДОВ

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг асосий максалларидан бири таълим тизими сифатини дунё талаблари даражасига чиқаришдан иборат. Бу тизимни ислох қилишда замонавий назорат усулларидан бири бўлмиш тест усули, тест синовлари ҳам муҳим ўрин эгаллайди.

Ўқув жараёнини муваффақиятли юритиш ўқитувчиларнинг дарс мобайнида ва мустақил ишларда ўқувчиларнинг дарсага тайёрлиги даражасини билишига боғлиқ. Бунинг учун ўқув жараёнини бошқаришда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида тескари алоқа ўрнатилиши лозим. Фақат шу алоқа ўрнатилгандагина ўқувчи ўқув жараёнида пассив тингловчидан фаол ҳаракатланувчи шахсга айланади. Тест назорати тизими "ўқитувчи-ўқувчи" тескари алоқасини ўрнатувчи воситалардан бири бўлиб, уни мукамаллаштиришга олиб келади.

XIX аср охири XX аср бошларида тест синовларида ўқувчиларнинг ўқув қобилиятларини баҳолаш воситаси сифатида қараш анча кучайди. Айнан шу даврдан бошлаб тест синовлари икки асосий йўналиш: ақлий (интеллектуал) ривожланиш даражасини аниқлаш тестларини яратиш ва қўллаш ҳамда ўқувчиларнинг ўқиш қобилиятларини ва билимларини баҳолашга мўлжалланган педагогик тестларни яратиш ва қўллаш соҳалари ривожлана бошлади.

Тест тузувчилар турли одамларда реакция вақти бир хил эмаслигини аниқладилар, бу эса одамларнинг ақлий (интеллектуал) қобилиятларини ўрганиш заруриги ва турли даражадаги тестлар яратиш устида амалий ишлар олиб бориш лозимлиги тўғрисида ҳулоаса чиқаришга олиб келади. Тест синовларининг асосий мақсади ҳам ўтилган дарсларни ўзлаштириш даражаси тўғрисида, ҳам навбатда ўрганилиши лозим бўлган дарс ҳажми тўғрисида ўқитувчига ахборот бериш ва ўқитиш методини танлашда ёрдам кўрсатишдан иборат деб ҳисобланган. Ўқувчиларнинг билимларини баҳолашнинг турли усулларини таҳлил этиб, тестларни гуруҳларга ажратиш ўрганиб кўрилган.

Қобилиятини белгилаш ва баҳолаш бўйича, айниқса, иқтидорли-истеъодли болаларни аниқлаш бўйича психологик тестлар, шунингдек, касбга йўналтириш, ходимларнинг тайёргарлик даражасини белгилаш ва уларни саралаш мақсадида тестлар ривожланган мамлакатларда кенг қўлланилган.

Педагогик тестлар АҚШ, Нидерландия, Англия, Туркия, Япония ва бошқа кўпгина мамлакатларда кенг ривож топди. Ушбу рўйхатда асосан турмуш даражаси юқори бўлган мамлакатлар кирганлиги тасодиф эмас. Бунда қуйидаги занжирли боғланиш мавжуд: тестларни қўллаш таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатади, таълим сифати эса бошқарув сифати билан боғлиқ. Оқилона бошқарув эса аҳоли турмуш даражасини ошириш учун замин яратади.

Собик Иттифоқ даврида тестларга асосланган фан педагогика деб юритилди ва тестлардан фойдаланишнинг дастлабки даврида жиддий ҳаттоликларга ҳамда бузилишларга йўл қўйилди. 1936 йилдаги ВКП (б) МКнинг



ТЕСТЛАР

ва уларга қўйиладиган талаблар

«Халқ маориф комиссарлиги системасидаги педагогик бузилишлар тўғрисида»ги қароридан тестлар «буржуа» педагогикасига хос деб ҳисобланди. Бу қарорга биноан, 1930 йилдан тестшунослик бўйича илмий тадқиқотлар Собих Иттифоқ миқёсида тўхтатилди.

Мустақил Ўзбекистон МДХ давлатлари ичида 1993 йил биринчи бўлиб, жаҳон педагогика фанига «дарча» очди ва ривожланган мамлакатлар педагогикасидан илгор тажрибаларни ўрганиш имконини яратди. Ўзбекистон таълим тизимида билимни тест усулида баҳолашнинг назорат қилишга давлат сийёсати макомининг берилиши ана шундай ютуқлардан бири ҳисобланади. Педагогик тестлар кенг миқёсда, биринчи марта ўрта маълумот якунида, олий ўқув юртига кирувчиларни қабул қилишда қўлланилди.

Умуман олганда, тест усули бирмунча технологик ҳисобланади.

У билимларни ўзлаштириш сифатини назорат қилишда профессор-ўқитувчилар меҳнат унумдорлигини оширади ва ўқув дастури чуқур ва ҳар томонлама ўзлаштирилишини таъминлайди.

Тузилган тест топшириқларининг ҳаммасини ҳам бирдек ишончи деб бўлмайди. Тест саволлари мукамал бўлиши учун уларни тузишда бир қанча дидактик талабларга риоя қилиш зарур. Булар қуйидагилардан иборат:

-тест топшириқлари мазмуни ўқув материалнинг мақсадга мувофиқлиги; материал аҳамиятлилиги; илмий аниқлик; изчиллик; тўқислик ва уйғунлик; ўзлаштириш даражасига кўра табақалаштириш; самарадорлик (кумулятивлик); тил равлонилиги ва аниқлиги; бир маънолилиги; қатъий бел-

гиланган вақт; ихчамлик; мураккаблик меъёри; тўғри жавобда қўшимча белгиларнинг мавжуд эмаслиги; вариативлик; шаклан ва мазмунан ўзaro боғлиқлик.

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш йўллари бўлгуси мутахасссининг назарий билимларини тартибга солиш, касбий билим ва малакаларини ошириш учун хизмат қилувчи ўргатувчи топшириқларни, шунингдек, ўқув жараёнида билим ва кўникмаларини ҳисоблаш техникаси ёрдамида назорат қилувчи тизимини яратишдан иборат.

Ўқувчининг аввалги ва айни пайтдаги билим ва кўникмаларини таққослаш ёрдамида унинг билим олиш жараёни ҳақида маълумотга эга бўлиш, биринчидан, ўқув дастурини мослаштиришга, иккинчидан, ўқитувчи ва ўқувчининг ўқиш жараёнида камчиликларини ўз вақтида ҳал қилишга имкон яратади.

Ҳар бир ўқувчининг бошланғич билим даражасини билиш ўқитувчига қийиндаги қарорларни қабул қилишга ёрдам беради:

- амалий ишларни олиб бориш учун топшириқларни ўқувчилар билими даражасига кўра тақсимлаш;
- асосий эътиборни фанни қайси тушунчаларига қаратиш;
- қайси ўқувчи билан фаннинг қандай таянч элементлари юзасидан индивидуал машғулот беришни аниқлаш.

Ўқувчи билимини назорат қилиш шунчаки унинг билим даражасини текшириш характери билан чегараланиб қолмаслиги керак, балки, биринчи навбатда, ўргатувчи, тарбияловчи характерга эга бўлиши керак. Назоратдан сўнг ўқувчи ўзининг билим олишидаги камчиликларини билиши зарур (қайси фандан қайси мавзудан ўзлаштира олмаётганлиги таҳлил қилинади) ва назорат тизими ўқувчига ушбу муаммоларни ҳал қилишда манбаларни ҳамда йўналишларни кўрсатиши лозим.

Ш.КАРИМОВ,

ФарДУ доценти,

М.МАДМАРОВА,

ТАТУ Фарғона филиали талабаси

Тармоқда ахборот ва дастурий таъминот хавфсизлиги

XXI аср ахборот технологиялари асри бўлганлиги туфайли бу асрда ахборотни сақлаш, уни узатиш ва қабул қилиб олиш технологиялари жадаллик билан ривожланиб бормоқда. Бугунги кунда ахборотни сақлаш, уни фойдаланувчиларга жўнатиш, умуман, ахборот технологиялари соҳасининг ривожланиши билан бир қаторда, унга бўлган таҳдидлар ҳам ошиб бормоқда.

Ҳозирда глобал интернет тармоғининг оммалашуви тармоқ орқали узатиувчи ахборотларнинг ишончилиги ва хавфсизлигига ҳамда тармоқда фаолият кўрсатувчи дастурий таъминотларга жиддий хавф солмоқда. Бугунги кунда тармоқ дастурларида хавфсизликни таъминловчи омиллардан бири бу идентификация ва аутентификация жараёнларидир. Бу жараённинг маъноси шундан иборатки, бунда дастур тармоққа кирмоқчи бўлган фойдаланувчидан унинг тармоқда рўйхатга олинган номини ва тармоққа кириш ҳуқуқини берувчи махфий кодни талаб қилади. Фойдаланувчи сўралган маълумотларни тўғри киритгандагина унга тармоққа кириш ва ундан фойдаланишга рухсат берилади, акс ҳолда бу фойдаланувчи тегишли ҳуқуққа эга бўлмаган фойдаланувчилар қаторига киритилади ва унинг тармоққа киришига йўл қўйилмайди. Бу жараённинг мустаҳкам шакллантирилганлиги бевосита тармоқ хавфсизлигига таъсир кўрсатади. Ушбу жараённи қуйидагича мустаҳкамлаш мумкин.

Бунинг учун тармоқ дастури таркибда ёки алоҳида бир дастур яратилади. Дастурнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- тармоққа кирган фойдаланувчининг ҳақиқатан ҳам идентификация ва аутентификация жараёнларидан ўтган ёки ўтмаганлигини текширади;
- агарда тармоққа ноқонуний равишда кирган фойдаланувчи ёки шубҳали дастурий таъминотлар фаолияти аниқланса, дастур шу заҳоти уларнинг тармоқдаги фаолиятини тўхтатиб, булар ҳақидаги маълумотлар (IP-манзил, порт рақами ва ҳоказо)ни тармоқ администраторига хабар қилади.

Бу ҳимоя дастурининг афзаллиги шундаки, у тармоқ орқали қабул қилинувчи маълумотларни ва тармоққа кирган ҳар бир фойдаланувчини ва кириш, чиқиш каналларини бевосита назорат қилади ва хавфсизликни максимал даражада таъминлашга имкон беради.

Ҳикмат ҲАБИБУЛЛАЕВ,

ТАТУ Урганч филиали

3-босқич талабаси

Диққат

Виждон — аклнинг кон томири, унинг уриши бизни доим яхши ва ёмондан воқиф этиб туради.

Юртимизда ёшларнинг маънан юксак, ахлоқан пок, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари учун барча шароитлар яратилган. Бундан унумли фойдаланаётган ота-оналар фарзандларини тўғри йўл сари бошламоқдалар, қайси соҳага қизиқишлари кучли эканлигини аниқлаб, ўша соҳани мукамал эгаллашлари учун шароит яратиб бермоқдалар. Ана шундай юрт келажагини фарзандлари камолида кўрадиганлардан бири Муборакхон ҳамда Абдунаби Ғофуровлар оиласидир.

жиз эмас. Юртбошимиз, айниқса, ёш авлодга келажагимиз эгалари сифатида қараб, улар маънавиятини юксалтиришга жиддий эътибор бериш кераклигини қайта-қайта уқтирмоқда. Зеро, маънавий баркамол шахс юксак ахлоқий фазилатлари, гўзал хулқи, намунали одоби, ўқир зеҳни билан бошқалар-



Уларнинг ҳар иккиси ҳам алоқа муҳандислари. Оиладаги ижобий муҳит, тез-тез бўлиб турадиган Ватанини севиш, меҳнатсеварлик ва билимни пухта эгаллаш, келажақда юрт юкини енгиллатишга оид суҳбатлар, фарзандлар иқтидорини юзага чиқаришга қаратилган ҳаракатлар сабаб Ғофуровлар фарзандларидан бири Хусанбек бугунги кунда нуфузли олийгоҳлардан бири, Тошкентда фаолият олиб бораётган Сингапур менежментни ривожлантириш институти телекоммуникация факултетида таҳсил олмақда.

Хусанбек Ғофуров — истиқлол тенгдоши. У олти ёшида пойтахтимиздаги 298-мактабнинг 1-жадаллаштирилган синфига ўқишга борди. Бир йилда икки синфни муваффақиятли тамомлашга эришган зукко болажон умумтаълим олиш билан бирга, мусиқа мактабига ҳам қатнаб, рубоб, фортепиано, гижжак, чанг каби асбобларни чалишни ўрганди. Лекин у бу билан чекланмади. Тенгдошлари қатори инглиз тилини ҳам чуқур ўрганишга киришди. Ўн икки ёшли болакайнинг инглиз тилида чиройли ва раво гаширишини кўрган устозлари беҳад қувонишди, унинг иқтидорини янада кўпроқ ривожлантиришга ҳаракат қилишди. У мактабни битирганинда эса интернетда инглиз тилидаги дунё янгиликларини бемалол ўқий олар, чет мамлакатлардаги ўнлаб тенгдошлари билан интернет орқали мулоқотлашарди.

Истиқлол тенгдоши

Тошкентдаги туризм коллежида ўқиш билан биргаликда, у IELTS дастури бўйича яхши натижаларга эришди. Коллежни ҳам намунали хулқ, аъло баҳолар билан тамомлаган Хусанбек, юртимизда ёшлар учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиб, бир вақтнинг ўзида Тошкент давлат жаҳон тиллари университети, Турин политехника университети ва Тошкентдаги Сингапур менежментни ривожлантириш институтига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топшириб, қаерда ўқишни танлаш ҳуқуқига эга бўлди. Ўзидаги қизиқиш ҳамда ота-она тавсияси билан у алоқачи бўлишга қарор қилди.

— Ўғлимнинг бу қарори бизни беҳад мамнун этди, — дейди Хусанбекнинг онаси, “UNICORN.UZ” давлат унитар корхонаси ходими Муборак Ғофурова. — Негаки, замон, техника шиддат билан ривожлангани сари сифатли алоқага бўлган талаб ҳам ортиб бормоқда. Бу эса соҳа мутахассисларидан, айниқса, ёшлардан дунё миқёсида, ривожланган мамлакатлар билан рақобатлаша оладиган даражада билимга эга бўлишни талаб этяпти. Шу сабаб ўғлимизнинг бу муваффақиятидан фахрланамиз. Мен имкониятдан фойдаланиб, ўзимнинг (алоқа муҳандиси бўлишимга қарамай, яқинда



Суратда: Хусанбек онаси Муборак Ғофурова билан.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университетининг амалий психология факултетини тутатдим) олийгоҳни муваффақиятли тамомлашимга ва ўғлимнинг ўқишига амалий ёрдам бераётган кадрдон корхонам раҳбариятига ўз миннатдорчилигини билдираман. Қолаверса, бизнинг кичик оиламиздаги истиқлол шарофати билан қўлга киритилаётган муваффақиятлар мени она, шу азиз юрт фарзанди сифатида бир қувонтирса, мамлакатимиз миқёсида амалга оширилётган ажойиб ўзгаришларни ўн қувонтиради. Мен ушбу Баркамол авлод йилида ўғлим ва унинг тенгдошлари эришган ва эришаётган ютуқлар ва улар учун давлатимиз томонидан яратилаётган имкониятлардан жуда хурсандман ва республикамиз ёшларига юксак парвозлар тилайман.

Дарҳақиқат, юртимизда ёшларни баркамол қилиб тарбиялаш ишларига алоҳида аҳамият берилаётгани бе-

дан ажралиб туради. Ўзига муносиб кўрган барча яхшиликларни бошқаларга ҳам хохисона илинади. Унинг қалбига Ватанини севиш, элга содиқлик, миллат шаънини юксакларга кўтариш ҳисси доимо жўш уриб туради. Хусанбек ҳам юртимиздаги минглаб ана шундай ёшларнинг бири.

Унинг инглиз тилида ёзган шеърларида ҳам Ватанга муҳаббат алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун ҳам ТСМРИда ўтказилган қўриқтанловларда иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллапти. У билимини мустақамлаш учун кутубхонага боради, бепул интернетдан фойдаланиб, хориж ўқув юртларидаги янгиликлар билан танишади. Спортнинг сузиш, футбол, теннис турлари билан шуғуланмади. Олийгоҳда талабалар саломатлиги доимий назорат остига олинган. Улар вақти-вақти билан шифокорлар кўригидан ўтиб туришади. Яқин дўстлари Абду-

босит, Индира, Зафар, Дилазизлар билан бирга дарс тайёрлаб, қизгин баҳс-мунозара олиб боришади. Бирор масалада қийналишса, устозлари Жанна Ашурова, Шила Падман, Маъмуржон Раҳимов, Герсон Липид, Жеймс Типпинсларга мурожаат қилишади. Ахир айтишадик, “Сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим”, деб.

— Ўзбекистон менинг муқаддас Ватаним, — дейди Хусанбек Ғофуров. — Мен тарихи асрларга бориб тақалувчи гўзал юртим, номи дунёга танилган олимому авлиё ажлоларим, бунёдкор халқим, юрт келажагини бизнинг камолимизда кўриб, биз учун барча шароитни яратиб бераётган ғамхўр Юртбошим, талабчан ва ғамхўр ота-онам билан фахрланаман. Яна мен ўн икки ёшида Президент совғаси — фортепиано олишга муваффақ бўлган, мен учун доимо ўрناк Улуғбек акамнинг ютуқларидан гурурланаман. Ваъда бераманки, келажақда алоқа соҳасида етуқ ва малакали мутахассис бўлиб етишаман ва юртимизда алоқа соҳасини жаҳон миқёсидаги сифат даражасига кўтариш учун бор қуч ва имкониятларимни сарф этаман. Боболаримиз орзу қилган мустақилликни мустақамлаш ишига муносиб ҳисса қўишини ҳам фарз, ҳам қарз деб биламан.

Муборак МИРКАМОЛОВА, “Хабар” мухбири

Дикр
Адаб аклнинг ташки суратидир.

Ота касбини улуғлаб...

Дилором Азизова алоқа соҳасига ишга келганига ҳам 33 йил бўлди. Тенгдошлари ўқув юртлари томон ошиккан, Дилором опа эса....

Дилором опа ёшлигида ўқитувчи бўлишни орзу қиларди. Уларнинг оиласида шу касбни танлаганлар кўпчиликини ташкил этарди.

— Отам Қарши шаҳар телефон тармоғига мени электромонтер сифатида ишлашга таклиф этиб, тўғри қилган эканлар. Бу касб мени дастлабки ойлардаёқ ўзига қизиқтириб қўйди. Олий ўқув юртига кирмаганлигим учун ҳам афсусланмадим.

Дилором Азизова 1978-1981 йилларда ишдан ажралмаган ҳолда Тошкент алоқа политехникумида

электралоқа техникни мутахассислиги бўйича ўқиди. Қарийб чорак аср Қарши шаҳар ва шаҳарлараро бирлашган телефон тармоғида электромеханик вазифасида ишлади. Шу ерда алоқа ходими учун зарур амалий билимларини ўрганди ва ўзлаштирди. Шаҳар телефон тармоқларининг сифатли ишлашини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшиб, телефондаги носозликларни белгиланган мuddатда тузатишида сикдқидилдан меҳнат қилди. Шаҳарда янги телефон станцияларига қайта

улаш ишларида фаол иштирок этди.

Мана, беш йилдирки, Дилором Азизова сўзлашув шохобчаси оператори вазифасида ишлаб келмоқда.

— Алоқа касбини эгаллашимга отам сабабчи бўлса-да, бу касб сирларини менга вилоятимиз алоқа соҳасининг ривожланишига муносиб ҳисса қўшган Зинаида Подолская ўргатган. У киши менга қўл билан бошқариладиган АТСлардан тортиб, кейинчалик ишга туширилган станциялар иш фаолиятини ўргатганлар.

Дилором Азизова беш нафар фарзанднинг онаси. Уч набиранинг

бувиси. Узоқ йиллар самарали меҳнати учун “Ўзбектелеком” АКнинг, вилоят ва шаҳар ҳокимликларининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

“ЎЗИ-Қарши” филиалининг сўзлашув шохобчаси оператори ҳар йили шу кезде дастлаб иш бошлаган жойларини кўздан кечиради, устози Зинаида Подолская билан узоқ суҳбат қуради, бугунги давр технологиялари, эришилаётган ютуқлар, алоқа соҳасининг келча ва бугуни ҳақида кўп ва хўп сўзлайдилар.

Афтонди ИСМОИЛОВ, “Хабар”нинг Қашқадарё вилоятдаги мухбири

➔ HAMKASBLARIMIZ

MUTAXASSIS MINBARI

СУҒУРТА МАРКЕТИНГИ

Маълумки, ҳозирги кунда суғурта иқтисодиётнинг энг муҳим секторларидан бири ҳисобланади. Айниқса, бозор муносабатларининг ривожланиш шароитида у жуда ҳам муҳим, бу шароитда талбиркор ўзининг барча салоҳиятини бозор муносабатларини ўрганишга қаратади, яъни у моддий бойликларнинг айрим турдаги хатар ва рисклардан химояланганлигига ишончи қомил бўлади.

Ҳозирги пайтда суғурта компаниялари республикада суғурта иштини ривожлантиришга ва умуман, суғурталашни бозор иқтисодиётининг молиявий-ҳуқуқий институтига қадамма-қадам айлантиришга йўналтирилган хорижий капитал кириб келишини кўпайтириш ва экспортни ривожлантиришга кўмаклашиш мақсадида зарур шароитларни яратиш ва ишончли суғурта кафолатларини тақдим этишга қаратилган ҳукумат томонидан белгилаб берилган вазифаларни амалга оширмоқда.

Суғурта хизматлари бозорида компаниялар иштироки улушининг оширилиши кўйидаги икки йўналишни назарда тутувчи маркетинг сиёсатини амалга ошириш орқали таъминланади:

- биринчиси — хорижий ва ушбу соҳадаги корхоналарга маркетинг, маслаҳат ва ахборот хизматларини кўрсатиш йўли билан чет эл бозорларида миллий экспортчиларнинг маҳсулотларини юргизиш вазифасини амалга ошириш;

- иккинчиси — ички ва ташқи бозорларда компанияларнинг фаол иштироки давом эттириш ҳамда миллий ва хорижий иш доираларида компанияларнинг ижобий обрўсини шакллантириш.

Мамлакатимизда фаолият юритаётган суғурта ташкилотлари ўзларининг стратегик ривожланиш ҳамда маркетинг тадқиқотларини мунтазам олиб боришлари, ҳар бир тақлиф этилаётган суғурта хизматининг турлари, суғурта ҳимояси кўламининг орта боришига эришишлари учун ўзларининг аниқ мезон, услубларини ишлаб чиқишлари, шунингдек, амалиётга жорий этилаётган суғурта маркетинг ва мониторинг (инглизча «monitor» - хавфдан огоҳ этмок) дастурларининг мукамал бўлишига эришишлари улар фаолияти учун кенг истиқболни очиб беради.

Мазкур стратегик дастур асосини, агарда янги суғурта тури тақлиф этилаётган бўлса, талаб даражасидаги маркетинг хизмати фаолиятини амалга оширишга қаратилган савий-ҳаракат, яъни маркетинг ахбороти тузилмаси орқали миқоз талабини ўрганиш ва шунга кўра, суғурта полисларини ишлаб чиқиш таъминласа, ишонч билан айтиш мумкинки, суғурта фаолиятининг самардорлиги ортали.

Янги суғурта турини тақлиф этишда, аввало, «бозор-ҳаракат-тузилма» учлик мажмуаси пухта ўрганилган ва ишлаб чиқилган бўлиши, бундай иш потенциал миқознинг талабларини ўрганишдан бошлангани муҳим аҳамият касб этади.

Шу мақсад йўлида:

- суғурта бозоридаги ҳолат;
- рақобатчилар фаолияти йўналишлари;
- истеъмолчилар (потенциал миқозлар)


суғурта воситачилари (суғурта брокерлари ва агентлари), яъни сотиш каналларининг сифати каби бозор сегментлари чуқур ўрганиб чиқилади.

Бу борада амалга оширилган таҳлил асосида суғурта ташкилоти ўзининг янги суғурта «маҳсулот»ини миқозларга тақлиф этиши мумкин бўлади. Янги суғурта полисини яратишда миқозлар томонидан аниқ бир хизмат турига бўлган талабнинг юқори эканлиги аҳамиятлидир.

Шундай талабнинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни суғурта ташкилоти миқозлар ўртасида сўровлар ўтказиш, жамоатчилик фикрини ўрганиши учинчи бир мустақил ташкилот орқали амалга ошириб, маълумотларга эга бўлиш, телемаркет, интернет тармоқлари ва бошқа ахборот каналлари орқали олади.

Шу ўринда, суғурта ташкилоти ҳам ўзига хос тадқиқот услубиятига эга бўлиши, миқозга нисбатан муносабатларда ташаббускорлиги, айниқса, буларнинг ҳаммасини суғурта қонунчилиги асосида амалга оширилишини таъминлаши муҳимдир.

Алимардон ҚЎЗИЕВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети магистранти



Жамият тараккиётининг ҳозирги босқичида энг долзарб муаммолардан бири — бу ёшлар ва ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида гиёҳванд моддаларининг истеъмол қилинишидир. Гиёҳвандлик моддаларининг қўлланилиши инсоннинг эмоционал олами фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатиб, унда қабул қилиш, хис қилиш, тафаккур ва хотира каби жараёнларга путур етказиши мумкин. Бундай ҳолатлар эса ҳозирги кунда деярли дунёнинг барча мамлакат ва шаҳарларида аниқланган.

Гиёҳванд моддаларнинг ёшлар орасида энг кўп истеъмол қилинаётган тури — бу марихуана (наша) ва опий (кўкнори)дир, чунки улар истеъмол сифатида топилиш жиҳатидан қўлай ва нисбатан арзонроқдир. Шунингдек, ёшилги ҳиллари ва клей қорилmalarини ҳиллаш орқали токсин моддалар истеъмоли ҳам ҳозирги пайтда кенг тарқалмоқда.

Дунё бўйича гиёҳванд моддалар истеъмоли вояга етмаган ёшларнинг турли гуруҳлари орасида ҳам кучаймоқда. Улар асосан мактаб ва кол-

сангиз, бундай ҳолатда бирор-бир амалий чора-тадбир қўллаш деярли анча кеч. Гиёҳвандликнинг энг ишончлироқ дастлабки белгиларидан бири — бу фарзанднинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатининг кескин ўзгаришидир. Айтилик, унинг овқат кўп истеъмол қилишдан кам истеъмол қилишига ёки муносабатларининг очкиқдан ёпиқликка, кеч этишдан эрта ётишга ўтиши, хоҳиш-истак ва ҳулқ-атворининг ўзгаришлари ва ҳоказолардир. Албатта, бунинг учун сиз фарзандингиз қандай

ГИЁҲВАНДЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШДА ОИЛАНING ЎРНИ

леж ўқувчилари, олий ўқув юрталари талабалари, меҳнат фаолияти билан банд бўлмаган ёшлардир. Юқоридагиларга таянган ҳолда ёшларнинг аниқ бир гуруҳини номлаш ва ажратиб кўрсатиш жуда мушкул. Ҳозирги пайтда ёшларнинг неча қисми гиёҳванд моддаларни истеъмол қилишининг кўрсаткичи фақатгина шифокор-наркологлар, ижтимоий соҳа ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари ходимларигагина маълумдир.

Ёшлар балоғат даврида жуда таъсирчан, содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан берилувчан бўладилар ва бундай ҳолатда ўзларини ожиз ҳис қиладилар. Бу ҳолат эса уларни ҳаёт синовлари олдида психологик жиҳатдан ҳимоясиз ҳолатда қолдиради. Жуда кўп ҳолларда улар жамиятнинг янгидан-янги талаблари — мустақил фикр, ўз одоб-ахлоқ ва келажаги борасидаги масъулиятга ҳали тайёр эмаслар. Шунинг учун ҳам улар кўп ҳолатларда стресс вазиятларга тушиб қолмоқдалар.

Ҳаёт тажрибасига эга бўлмаган бу ёшлар мавжуд муаммолари туфайли психологик оғир вазиятлардан чиқиб кетиш, ўзини шахс сифатида намоён этиш, соғлом турмуш тарзи қуриш каби масалалар олдида ожиз қолишмоқда. Кўпинча оилаларда фарзанд тарбиясига етарли даражада эътибор берилмапти. Сўнгги 10 йил ичида фарзанд тарбиясига бўлган эътибор ота-оналар зиммасидан таълим муассасалари зиммасига тушмоқда. Болалар тарбияси билан шуғулланувчи тарбиячилар ҳар бир болага ҳафтага бор-йўни 1,5 соат вақт ажратишади. Бу кўрсаткич меъёрий жиҳатдан 12 баробар паст.

Фарзанди гиёҳвандлик балосига учраган оилалар — бу нафақат оиланинг қўрқуви, азоби ва фожиаси, балки бутун жамиятнинг ҳам фожиасидир.

Агар фарзандингиз ёмон ўқий бошласа, ўта кўп ёки ўта оз овқатланса, ёлғон гапирлини бошласа, шунингдек, унинг нарсалари орасида қайнатма қошиқча, шприц топ-

ва қай ҳолатда яшаётганлигини яхши билишингиз ва назорат қилишингиз керак.

Кўп тадқиқотларнинг таҳлилий натижаси шуни тасдиқлайдики, гиёҳвандлик моддаларига ўрганиб қолган кишилар ўз ҳаётларини янада тубанлаштириб юборишади. Бундай ҳолатларда яқинлари уларни одоб-ахлоққа ундашлари жуда ҳам мушкул. Унинг ҳолатини на тажрибали комил инсон ва на унинг яқин киши аниқ баҳолай олади. Бу унинг ҳиссий номутаносиблиги, айбдорлиги ҳамда ваҳшийлик даражасининг шаклланишига имкон яратиб, уни кенгайтиради. Шу тариқа гиёҳвандга икки томонлама зарар етади. Танқид, ҳақорат ва одоб-ахлоққа ундовчи ҳолатлар уни фақат ўзи ва оиласига нисбатан қаттиқ афсус ва пусаймонликка олиб келади, холос.

Гиёҳвандликка ўрганган шахс ва унинг оиласи зарурий ёрдамни қариндош, дўст ва қўшнилар доирасидан холи, четда топишлари лозим. Бундай шахсларга ёрдамни шу соҳадаги мутахассис ёки ижтимоий ҳаётни соғломлаштириш дастури бўйича иш олиб бораётган мутахассис бера мақсадга мувофиқ. Оила гиёҳванд инсонга уни даволаш учун зарур бўладиган воситалар орқалигина ёрдам бериши мумкин.

Ота-оналар, аваламбор, фарзандларининг қай даражада ўз шахсий ва мустақил фикрларига эга эканлигини билиши, фарзандларининг қизиқишларига нисбатан сезgir бўлмоқлари шарт. Ота-оналар фарзандларини ўраб турган муҳитни жуда синчковлик билан кузатишлари керак.

Болалар ўз ота-оналари билан бўлган суҳбатда билим олиш борасида ўз шахсий фикрларини айта олиши ҳамда баъзи бир зарарли нарсалардан онгли равишда воз кечиб, ўз талабларини эркин билдирадиган даражада бўлишлари лозим.

Гульшана ХУДОЁРОВА,
ТАТУ Қарши филиали
маънавият ва маърифат
маркази раҳбари, педагогика
фанлари номзоди



SOUTH AFRICA 2010

ЖЧ-2010 ФИНАЛИ:

ИСПАНИЯ – ГОЛЛАНДИЯ

Жаҳон чемпионати учун ажратилган бир ойлик муддат деярли босиб ўтибди. Олинда фақатгина иккита ўйин қолди. Бирида учинчи ўрин масаласи ҳал этилса, иккинчисида Голландия ва Испания чемпионлик учун курашади. Демак, ЖЧ-2010 бизга ҳаяжонли дақиқаларни тақдим этишда давом этади.



Чорак финал

Голландия – Бразилия – 2:1

Голлар: Уэсли Снейдер, 53; 68 – Робиньо, 10.

Учрашув бразилияликлар устунлигида бошланди ва Робиньо ҳисобни очди. Биринчи бўлимда бразилияликларда гол уриш учун яна бир неча имкониятлар бўлди, аммо жанубий америкаликлар улардан унумли фойдалана олинмади. Иккинчи бўлимнинг 53-дақиқасида, жарима тўпи ўйинга киритилгач, Уэсли Снейдер тўпни жарима майдончасига узатди ва тўп Филипе Мелонинг бошидан Бразилия терма жамоаси дарвозасига бориб тушди. 68-дақиқада голландияликлар бурчак тўпини муваффақиятли амалга оширишди: Роббен узатган тўпни Дирк Куйт боши билан Снейдерга узатди, у эса ўз навбатида Жулио Сезар дарвозасининг узоқ бурчагини аниқ нишонга олди...

Ушбу натижа “учар голландлар”га азалий рақиб – Бразилияни шов-шувли тарзда ортда қолдириб, ЖЧ-2010 ярим финалига йўл олишини таъминлади.

Аргентина – Германия – 0:4

Голлар: Мюллер, 3; Клозе, 68; Фридрих, 74; Клозе, 89.

Дастлабки дақиқаларданок Германия олдинга ташланди ва жарима тўпи ишланди. Швайнтайгер тўпни жарима майдончасига етказиб берди. Мюллер боши билан ҳисобни очди. Ушбу тезкор гол аргентиналикларни буткул довдиратиб қўйди. ЖЧ-2010 фаворитлари орасида қайд этилган Аргентина Марадона бошчилигида чемпионатни йирик ҳисобдаги маълумият билан тарк этадиган бўлди.

Германиянинг бундай ишончли ғалабаси Англияни бежиз йирик ҳисобда таълим этмаганини аниқларди. Ҳақиқатда, Йоахим Лев бу йилги мундиалга ажойиб жамоа тайёрлай олган. Асосан ёш футболчилардан ташкил топган Германия терма жамоаси замонавий, ўта самарали ҳужумкор футбол намуналарини тақдим этмоқда.

Айтганча, ушбу муҳим учрашувни Равшан Эрматов бригадаси ажойиб тарзда бошқарди.

Уругвай – Гана – 1:1 (пеналтилар бўйича: 4:2)

Голлар: Салли Мунтари, 45 – Диего Форлан, 55.

Чорак финалнинг бошқа жупликларига қараганда оддийроқ кўринган бўлса-да, бу баҳс ўта шиддаткор ва қизиқарли тарзда ўтди.

Учрашувнинг асосий вақти 1:1 ҳисобидаги дуранг билан якунига етди.

30 дақиқалик қўшимча вақтнинг энг сўнгги сонияларида Уругвай терма жамоаси ҳужумчи Саурес ўз жарима майдончаси ичида қўл билан ўйнади ва майдондан четлатилди. 11 метрлик жарима тўпини амалга ошириш учун тўп олдиға Асамоа Гян келди, аммо ҳужумчи дарвоза тўри ўрнига дарвоза тўсинини нишонга олди. Пеналтилар сериясида эса уругвайлик футболчилар, аниқроғи, уларнинг дарвозабони – Муслера ишончли ҳаракат қилди. Гана чемпионатни аламли тарзда тарк этди.

Парагвай – Испания – 0:1

Гол: Давид Виля, 83.

Ўйин давомида Испания терма жамоаси вакиллари ҳам, парагвайликлар ҳам пеналтидан аниқ фойдалана олинмади. Учрашувнинг 57-дақиқасида Пикенинг Оскар Кардосога нисбатан ишлатган кўпматриги учун пеналти белгиланди. Кардосонинг 11 метрликдан йўлланган зарбасини Испания терма жамоаси дарвозабони Икер Касияс қайтаришга муваффақ бўлди. Орадан икки дақиқа ўтиб Виляга нисбатан ишлатилган қўполлик учун Парагвай терма жамоаси дарвозасига пенал-

ти белгиланди. Хаби Алонсо дарвоза тўрини нишонга олганига қарамай, зарба берилётган вақтда Испания терма жамоаси футболчилари жарима майдончасига кириб кетишгани учун ҳакам голни бекор қилди. Алонсонинг такрорий зарбасини Парагвай терма жамоаси дарвозабони Хусто Вилар қайтаришга муваффақ бўлди.

Учрашувнинг 83-дақиқасида ҳимоячилардан қочиб кетган Андреас Инеста очиқ турган Педрони тўп билан таъминлади ва у рақиб дарвозаси томон зарба берди. Тўп дарвоза устунига тегиб, Виляга келиб тушди. Ҳужумчининг зарбаси дарвозанинг иккала тўсинига ҳам тегиб тўра бориб тушди.

Ярим финал

Уругвай – Голландия – 2:3

Голлар: Ван Бронкхорст, 18, Снейдер, 70; Роббен, 73 – Форлан, 41; М.Перейра, 90+2.

ФИФА қутилмаган қарор чиқарди. Чорак финалда ҳакамлик қилган Равшан Эрматов орадан уч кун ўтиб ярим финал ўйинига тайинланди. Бу унинг ЖЧдаги бешинчи бошқаруви эди. Бу чемпионатда ҳеч бир ҳакам бешта учрашувни бошқармаган. Умуман олганда, ЖЧ тарихида фақат иккитасига ҳакам шу натижага эришган. Эрматовнинг бу даражадаги ютуғи Жаҳон чемпионатида йўл ололмаётган терма жамоамиз аламлирини қайсибир маънода ювиб юборди.

Ўйинга қайтсак, ярим финалнинг биринчи баҳсида Голландия устунлик қилди. Голландлар сардори Жованни ван Бронкхорст ЖЧ-2010даги энг чиройли голлардан бирини киритди. 36 метрдан берилган зарба Муслера қўриқлаётган дарвоза тўққизлигига бориб тушди.

Бироз ўтиб, энди Уругвай сардори катта саҳнага чиқди. Унинг ўз услубида узоқ масофадан берган зарбаси чиройли голга айланди.

Иккинчи бўлимда Голландия яна ташаббусга эга бўлди. Юксак савияга эга футболчилар – Снейдер ва Роббенлар сый-ҳаракати билан “лоларанглилар” финал йўлланмасини қўлга киритишди. Уларнинг финалдаги рақиб иккинчи жуптик Германия ва Испания ўртасидаги баҳсда аниқланди.

Германия – Испания – 0:1

Гол: Пуйол, 73.

Ўз йўлида Англия ва Аргентина каби грандларни “янчиб” ўтиб келган “немис машинаси” ярим финалда “бузилиб” қолди. Бунга тўлиқлигича испанлар “айбдор”.

Европанинг икки энг кучли жамоалари ўртасида кечган ярим финалда Германия терма жамоасининг футболчиси Томас Мюллернинг ўрни билинди. Ҳужумларни бошлашда, ҳужумчиларни тўп билан таъминлашда, вазиятларни кескинлаштиришда, Подолски ва Клозета гол уриш учун имконият яратиб беришда айнан Мюллернинг хизматлариға кўп бор эҳтиёж сезилди. Аммо маълумиятни фақатгина Мюллернинг йўқлиги билан изоҳлаш нотўғри бўлади. Испания бу кеча ўта ишончли футбол намойиши этди. Деярли 90 дақиқа улар тўпни ўз назоратларида сақлашди.

Иккинчи таймга келиб, тўпни назорат қилишдаги устунлик натижада ҳам ўз аксини топди. Тиним-тинчмас Пуйол бурчакдан оширилган тўпни бош билан дарвозага “михлаб” қўйди.

Шундай қилиб, 11 июл кунги финал баҳсида ҳали бирор маротаба чемпионлик шоҳсуласига кўтарилмаган икки жамоа – Голландия ва Испания ўзаро беллашди. Голландлар бунгача икки бор финалдан мағлуб этиб қайтган бўлса, испанлар учун бу илк финал ҳисобланади. Демак, ЖЧ-2010да янги чемпионни кўрамир.

БУХОРОДА ФУТЗАЛ БЕЛЛАШУВЛАРИ

ОАТ “Алокабан”нинг Бухоро филиалида мутахассис ва ходимларнинг бир қатор спорт турлари, жумладан, мини футбол билан шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб берилганлиги боис, филиал вакиллари бу борада йилдан-йилга яхши натижаларга эришиб келмоқдалар.



Вилоят марказидаги “Семурғ” спорт мажмуасида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамада республика алоқа ходимлари қасаба уюшмаси марказий кенгаши соврини учун Баркамол авлод йилига бағишлаб ўтказилган анъанавий футзал мусобақалари давомида ҳам ҳаваскор спортчиларнинг навбатдаги баҳсларга пухта ҳозирлик кўрганликлари яна бир марта ўз исботини топди.

Жамоа сардори Шерали Жалилов, ҳужумчилардан Анвар Холов, Нуриддин Нарзиев, Алишер Ражабов, ҳимоячиларидан Сардор Қўллошов, Умид Отажонов, ярим ҳимоячилардан Замир Азимов, дарвозабон Тоҳир Қўрғонов сингари алоқачи-футзалчилар ўз сый-ҳаракатлари билан мухлислар ишончини қозондилар ҳамда мутлақ голибликни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Жамоа бош мураббийи Баҳодир Набиевнинг таъкидлашича, филиал вакиллари тез орада Навоий шаҳрида ўтказиладиган минтақавий мусобақаларда ҳам голиблик учун кураш олиб борадилар.

Ҳаяжонли ва мурасиз ўтган мусобақалар натижаларига кўра, Бухоро шаҳар телекоммуникациялар боғламаси вакиллари 2-ўринга, “Ўзлунробита” хорижий корхонаси Бухоро филиали спортчилари 3-ўринга муносиб деб топилдилар. Беллашувлар чоғида “Энг иродали жамоа”, “Энг яхши дарвозабон”, “Энг яхши ҳимоячи”, “Энг яхши тўпурақ”, “Энг яхши мураббий”, “Энг фаол ташкилотчи” номинациялари бўйича ҳам голиблар аниқланди.

Голиб ва совриндорларға ЎзАААнинг вилоят худудий бошқармаси ҳамда вилоят алоқа ходимлари бирлашган қасаба уюшмаси кўмитасининг фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари топширилди.

Асқар ИСТАМОВ,
“Хабар”нинг Бухоро
вилоятидаги мухбири

ХАТ — ЭНГ ОММАВИЙ алоқа воситаси



BILIMINGIZNI SINAB KO'RING

Ошқора криптография қачон ва ким томонидан ихтиро қилинган?

Газетамизнинг 11 июн 24 (925)-сонид а эълон қилинган "Биринчи ёзув ручкаси қачон, ким томонидан патентланган?" саволига жавоб:

Биринчи ёзув ручкаси америкалик кашфиётчи Жорж Паркер томонидан патентланган

Фурқат БЎСТОНОВ, Сирдарё вилояти

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Андижон филиали жамоаси ва касба уюшмаси кўмитаси Булоқбоши почта алоқаси тармоғига қарашли Булоқбоши-1 алоқа бўлими хабарчиси Абдурашид ҚУШАҚОВНИ 50 ёшга тўлиши муносабати билан салимий табриклайди. Унга мустаҳкам соғлиқ, узок умр, оилавий хотиржамлик, фарзандлар ва набралар камолини кўриб юришликни тилайди.

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Янгиқўрғон ва Кува почта алоқаси тармоқлари ходимлари Муҳаммадали ЖУРАЕВ ҳамда Жамилхон ТУХТАБОВНИ 55 ёшга, Бағдод почта алоқаси тармоғи ходими Хошимжон РАҲМОҶОНОВНИ 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин юракдан табриклайди. Уларга мустаҳкам саломатлик, узок умр, фарзандлар камолини кўришни тилайди.

XANDA

Адабиёт дарси. Муаллим ўқувчидан сўрапти:

- Толстой ни биласанми?
- Йўқ.
- Пушкинни-чи?
- Йўқ.
- Балки Лермонтовни биларсан?
- Йўқ.
- Утир. Баҳоинг икки.
- Танаффусда ўқувчи муаллимини сўроққа туюлтири.
- Сиз Шермат "дўнгни" танийсизми?
- Йўқ.
- Шерзод "крутой"ни-чи?
- Йўқ.
- Унда нега мени ўзингизнинг "шайка"даги ўртоқларингиз билан кўрқатдингиз.

Одамлар масофа оша муддаоларини бир-бирига билдиришга ҳаркат қилганлар. Масалан, Америка қитъасида яшаган қадимий ҳиндулар бунинг учун чиғаноқлардан фойдаланишган. Маълум ранг, шакл ва миқдорда олинган чиғаноқлар шодаси муайян бир фикрни билдирган.

Кейинчалик чизма усулидаги хат вужудга келди. Тошлар ва гор деворларига қадимий одамлар томонидан ўйиб туширилган турлитуман тасвирларни ўшандай хатларнинг намунаси дейиш мумкин.

Қадимги Юнонистонда махсус мактуб жанри мавжуд бўлиб, у жамиятнинг олий табақаси орасида кенг тарқалган эди. Юнон файласуфлари, олимлари, нотиклари, сиёсий арбоблари бундай мактубларда ўзларининг фалсафий ва ахлоқий қарашларини ҳамда бошқа фикрларини баён қилганлар. Эразмиздан аввалги 4-асрда яшаган машҳур юнон файласуфи Арастуниинг ўша замондаги подшоҳлар — Файлакүс ва Искандар номига ёзган мактублари шулар жумласидандир. Бу мактублар сиз билан биз ёзадиган оддий хатдан фарқланиб, кўпчиликка ошқор бўлиши, кенг жамоатчиликка тарқатилиши мумкин эди. Шунга кўра, бундай хатларни "Очиқ хат" деб юритишган.

"Очиқ хат"лар кейинчалик ҳам кенг расм бўлди. Улар бадий ва услубий жиҳати билан ажралиб турарди. Улуғ шоир Алишер Навоийнинг мактублари бадий адабиётда "очиқ хат"ларнинг энг яхши намуналаридан ҳисобланади.

Жаҳон цивилизацияси мобайнида хатлар турли кўриниш ва турли ҳажмда бўлса-да, мақсадлар аниқ эди. Ўрта асрларда хитой қоғозларида битилган хатлар ўтда ёнмаслиги билан ажралиб турса, яна бир жиҳати уларга кўйилган муҳр билан аҳамиятли ва қадрли эди. Кейинчалик хатларнинг ҳозирги кўриниши пайдо бўлди.

Кўпчилик алоқа воситаси ҳисобланган хатларни манзила етказиш билан боғлиқ жараёнларни билмаса керак. Масалан, бир кунда Қарши почта алоқаси тармоғининг марказий бўлимига 250-300тадан ортиқ хат келиб тушади. Уларнинг аксарияти ташкилотларнинг хизмат хатларидир. Хатларга аввал ишлов берилади. Кунлик муҳр урилади. 8-шакл дафтари тугилиб, ҳар бир хат қайд этилади. Улар орасида манзили ноаниқ ва тўлиқ бўлмаган хатлар ҳам учраб туради. Булар юборувчи манзилига 20-шакл ёзилиб қайтариллади. Хавфсизлик бурчаги бўлиб, хат-

ларга шубҳа сезилса, махсус қутига ташланади. Ҳар куни жойлардаги почта қутиларидан хатлар белгиланган соатларда йиғиб олинади.

Қабул қилинган хатлар аввал вилоят саралаш бўлимидан ўтказилиб, хавфсизлиги текширилиб тақсимланади. Вилоят бўйича бир кунда 750-800тадан ортиқ хат қабул қилиниб, уларга бирма-бир ишлов берилади. Манзили аниқланиб, оғирлиги ўлчанади. Хат эгасига 3-шаклдаги квитанция берилади. Хатларга кунлик муҳр ва буюртма муҳри урилади. Штриккод ёпиштирилади. Штрикколларнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. 11-шакл тўлғазилиб, қаерга жўнатилаётганлиги кўрсатилиб, вилоят саралаш бўлимига жўнатилади.

Хатларингизнинг манзил томон тез ва осон етишини таъминлашда хабарчилар доим хизматда шай. Фақат сиз манзилларни ва индексларни аниқ кўрсатсангиз кифоя.

Гулсум НАЗАРОВА,
Шоира РАВШАНОВА,
Қарши почта алоқаси тармоғи марказий бўлими операторлари

BILIB QO'YGAN YAXSHI

ДАВОСИ ПЎСТЛОГИДА

Олимлар шу пайтга қадар олма саратон ва у сингарни жиддий хасталикларнинг олдини олади, деган фикрни илгари суниб келишган. Энди эса ҳамма даво унинг пўстлоғида эканлиги маълум бўлди.

Висконсин университети олимлари олиб борган текширув ишлари шуни кўрсатдики, олма пўстлоғидаги антиоксидантлар саратон хужайралари ўсишининг олдини олади. Шунинг учун улар

олмани арчимасдан ейишни тавсия этишмоқда, сабаби, олманин энг фойдали жойи чиқитта чиқиб кетиши мумкин. Шунингдек, олиб борилган кузатишлар олманинг юрак қон-томир касалликларини даволашда ҳам катта фойда беришини кўрсатди.

Таҷрибалардан шу нарса маълум бўлдики, саратон хужайралари олма пўстлоғидаги экстрактлар билан реакцияга киришганидан кейин жуда секин ўсади ва кўп ўтмай нобуд бўлади.

Xabar

МУАССИС:

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ

Бош муҳаррир: Абдусаид КҶЧИМОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ:

Ҳасан МУҲИТДИНОВ (Хайъат раиси), Асаджон ХУЖАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувоп НАҶБИДДИНОВ, Руслан ҚОСИМОВ, Соҳижон ҚОСИМОВ, Абдугани АБДУРАҲМОҶОНОВ (Бош муҳаррир уринбосари), Лутфалло ТУРСУНОВ (масъул котиб).

Тахририятга келган кўлёма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Хабар"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Тижорий материал —

Реклама матнларининг тўричилиги тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.

МАНЗИЛИМИЗ:

100043, Ташкент, Бунёдкор шоҳкўчаси, 8-уй.
Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69.
Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz
Обуна индекси — 228.

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҶРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

Газета ҳафтанинг жума куни чиқади

"Шарқ" наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Ташкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

G-602 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Алади: 11241 нуска.

ISSN 2010-6424

Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.

Вилоят муҳбирлари:	Андижонда 226-47-80	Бухорода 223-27-85	Гулистонда 40-12-19	Жиззахда 226-06-34	Навоийда 225-91-10	Наманганда 226-61-85	Нукусда 554-35-45	Самарқандда 233-61-81	Термизда 224-06-12	Ташкентда 288-40-66	Урганчда 226-37-16	Фарғонада 226-87-71	Қаршида 314-08-99
--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	--------------------	--------------------	----------------------	-------------------	-----------------------	--------------------	---------------------	--------------------	---------------------	-------------------